Ушбу сонда:
2 ЭНГ КАТТА БОЙЛИК
3 2004 ЙИЛ — МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ
4 ҒУРУР

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ
ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН


ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ


2004 йил 7 декабр, сешанба № 194-195 (1828)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

26 декабр: Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар куни



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Муқаддимасининг биринчи жумлаларидаёқ Инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат тантанали равишда эълон қилинган.



БУЮК ҲАЁТ ҚОМУСИ

Инсон ҳуқуқлари нима ўзи?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлими Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган бўлиб бўлимнинг 18 - моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенг эканликлари белгилаб қўйилган. Бу конституциявий қоида Ўзбекистонда фуқаролар ўртасида социал адолат тамойилларини қатъий белгилаб берувчи нормадир.

Маълумки, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги жаҳон стандартлари «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси» (1948 йил, БМТ), «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақида Халқаро Пакт», «Сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари ҳақида Халқаро Пакт» (1966 йил) ва шу каби халқаро ҳужжатларда белгиланган.

Инсон ҳуқуқлари, унинг сиёсий, фуқаровий, меҳнатга оид, ижтимоий, маданий ва бошқа ҳуқуқлари давлатнинг, ҳукуматнинг, сиёсий партияларнинг туҳфаси эмас, балки ҳар бир кишининг, ажралмас ҳуқуқларидир.

Инсон ҳуқуқлари хилма - хил ва кўпқирралидир. Ҳаётда инсонга доимий равишда турли ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи ҳамроҳлик қилади. Ижтимоий ҳаёт такомиллашгани сайин ҳуқуқ ва бурчлар мажмуи ҳам такомиллашиб, ўзгариб ва кенгайиб боради.

Инсон ҳуқуқлари бир - биридан қанчалик фарқ қилмасин, улар барибир ўзаро чамбарчас боғлиқдирлар. Уларнинг бири иккинчисини тақозо этади ёки вужудга келтиради.Инсон ҳуқуқларининг ҳеч бирини бошқасига нисбатан кам аҳамиятлироқ дея олмаймиз, чунки уларнинг ҳар бири инсон учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга.

Ҳаёт инсонга ўз мақсад ва интилишларини амалга ошириш соҳасида кенг истиқбол ва имкониятлар яратиб беради. Лекин бу имкониятларни реализация қилиш ҳамма вақт ҳам инсоннинг ўзигагина боғлиқ эмас. Фақатгина демократия ҳукмрон бўлган, очиқ ва эркин жамиятдагина инсон имкониятларини тўлақонли амалга ошириши учун шарт-шароитлар вужудга келтирилади.

Инсон ҳуқуқлари поймол этиладиган, унинг шахсий, мулкий ва уй- жой дахлсизлиги таъминланмаган, сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлари кафолатланмаган жамиятларда инсон камолоти ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлаверади.

Инсон туғилиши факти билан унда бир қатор ҳуқуқларнинг табиий тарзда вужудга келишини ва бу ҳуқуқларнинг инсондан ажралмас эканлигининг тан олиниши инсоният жамиятининг энг буюк ютуқларидан бўлди.

Бу ютуқнинг натижаси ўлароқ инсон ҳуқуқлари концепцияси ҳар қандай демократик давлатда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқий статусини белгилашда бошланғич асос бўлиб хизмат қилади. Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам бу концепция ўз аксини топган.

Инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини белгилаш ва тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бу ҳуқуқларнинг инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқлари ва эркинликлари эканлигидан келиб чиқади ва уларнинг ҳимоясини кафолатлаш мақсадида махсус ҳокимият ва идоралар тизимини таъсис этади.

Президентимиз Ислом Каримов ўз нутқларидан бирида «Бизнинг Конституциямиз демократик конституцияларга қўйиладиган юксак талабларга жавоб беради, инсон ҳамда фуқароларнинг барча ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлайди» деганди.

Конституция бошқа қонунларга, жамиятдаги ижтимоий муносабатларга тўғридан тўғри таъсир кўрсатади ва Ўзбекистоннинг барча ҳудудида устувор амал қилади. Ўзбекистонда қабул қилинган барча қонунлар ва қонун ости актлари Конституцияга зид бўлмасликлари даркор.

Конституциянинг 7- моддасида кўрсатилганидек, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир. Халқ ўз ҳокимиятини Конституцияда белгилаб қўйилган шаклларда бевосита референдум (умумҳалқ овоз бериши) ёки сайлаб қўйиладиган органлар, ҳамда маҳаллий ўз - ўзини бошқариш органлари орқали оширади.

Конституциямизда Ўзбекистон тарихида биринчи марта давлат ҳокимиятининг бўлиниши, кўппартиявийлик ва фикрлар хилма хиллигини (плюрализм) ҳисобга олувчи янги сайлов системаси конституциявий даражада мустаҳкамланди.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган Умуммамлакат оммавий марафони якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва вилоятлар ҳокимликлари билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур мусобақа уч йўналишда ўтказилди. Биринчи йўналиш -Нукус-Урганч-Бухоро-Самарқанд-Жиззах-Гулистон-Зангиота, иккинчиси - Термиз-Қарши-Самарқанд-Жиззах-Гулистон-Зангиота, учинчиси эса Фарғона-Андижон-Наманган-Ангрен бўйлаб ўтди.





ОММАВИЙ МАРАФОН ЯКУНЛАНДИ

Мазкур уч йўналишда ғолиб чиққан марафончилар Тошкент шаҳрида учрашди. Бу ерда улар 12 километр масофага югурди.

Баҳсларда эркаклар ўртасида пойтахтлик Аъзам Алиев ғалаба қозониб, биринчи ўрин соҳиби бўлди. Иккинчи ўрин Тошкент вилояти вакили Марат Низомовга, учинчи ўрин эса пойтахтлик Василий Медведевга насиб этди.

Хотин-қизлар ўртасида навоийлик Нилья Хаитовага тенг келадигани топилмади. Наманган вилояти вакилалари - Людмила Лишневская иккинчи, Юлия Беловина эса учинчи ўринни банд этди.

Умумжамоа ҳисобида Сурхондарё вилояти вакиллари биринчи ўринни эгаллади. Бухоро вилояти марафончилари - иккинчи, Наманган вилояти спортчилари эса учинчи ўринларни қўлга киритди.

(ЎзА)



БОЛА КУЛСИН ЖАҲОНДА

Наманган вилоят эндокринология диспансерининг бир гуруҳ ходимлари 20-мехрибонлик уйига ташриф буюрди. Шифокорлар болаларни кўрикдан ўтказиб, уларни зарур дори-дармонлар билан таъминлади, йодланган махсулотларнинг фойдаси тўғрисида суҳбат ўтказди.

- Бу болалар алоҳида эътибор ва доимий тиббий кузатувга муҳтож,- деди диспансернинг бош врачи Ўткир Икромов. - Шу боис жамоамиз уларга ҳомийлик қилмоқда. Энди улар мутахассисларнинг малакали назорати остида бўлади.

- Тарбиячиларимизнинг кўпгина васийлари орасида энди эндокринологлар ҳам борлигидан жуда хурсандмиз,- деди Меҳрибонлик уйи директори Дилором Мадмусаева. - Тиббий кўрик натижаларидан маълум бўлдики, болаларга уларнинг ёрдами зарур.

Вилоятда йод тақчиллигининг олдини олиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Шу мақсадда шифокорлар бир неча коллежда бўлишди. Йод тақчиллигини бартараф этиш бўйича тадбирлар вилоятдаги барча аҳоли пунктларини қамраб олиши кўзда тутилган.

Ханс-Йоахим КИДЕРЛЕН:

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ПАРЛАМЕНТ ТИЗИМИ ЯРАТИЛМОҚДА

Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси билан ЕИнинг аъзоларидан бири - Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатлар айниқса муҳим аҳамиятга эга. ГФР - Ўзбекистоннинг Ғарбий Европадаги асосий савдо шериклари-дан. Мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, ҳарбий-техникавий соҳаларда яқин ҳамкорлик қарор топган.

26 декабр куни Ўзбекистонда ўтказиладиган парламент сайлови арафасида ЎзА мухбири ГФРнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ханс-Йоахим КИДЕРЛЕН билан учрашди.

- Элчи жаноблари, ГФР парламентининг палаталари - Бундестаг ва Бундесрат ваколатлари қандай тақсимланган?

- Федерал бошқарув аъзоларига асосланган Германия сиёсий ҳаётида парламент жуда муҳим ўрин тутади. У мамлакат президенти ва ҳукумат раисини сайлайди.

Германия парламентининг асосий палатаси ҳисобланган Бундестаг ҳудудий округлардан 4 йил муддатга сайланадиган 603 депутатдан иборатдир. Унда қонун лойиҳалари ишлаб чиқилади. Ушбу палата аъзоларининг кўпчилиги томонидан маъқулланган қонун лойиҳаси кучга кирган ҳисобланади.

Маълумки, Германия 16 федерал ердан иборат. Уларнинг барчаси ўз конституцияси ва ҳукуматига эгадир. Шу боис ушбу ҳудудлар билан боғлиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинадиган бўлса, у юқори палата - Бундесрат аъзолари томонидан ҳам муҳокама этилади. Ушбу палата маҳаллий қонунчилик органлари - ландтаглар томонидан юборилган 68 вакилдан иборатдир.

- Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёт босқичида икки палатали парламентнинг аҳамиятини қандай баҳолаган бўлур эдингиз?

- Ўзбекистонда икки палатали парламент тизими шакллантирилиши амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг мантиқий давомидир. Мамлакатингизда сиёсий тизим ва фуқаролик жамияти яратилишининг аниқ мақсад ва вазифалари белгиланган. Икки палатали қонунчилик тизими жамият ҳаётини эркинлаштиришда, аҳолининг сиёсий фаоллигини янада оширишда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

Ҳар бир жамият ўз шароитидан келиб чиққан ҳолда ўз парламент тизимини ташкил этади. Ўзбекистон хориж тажрибасини ва ўз миллий қадриятларини умумлаштирган ҳолда ўз парламентини яратмоқда.

- Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги парламентлараро алоқалар тўғрисида фикрингиз қандай?

- Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон ва ГФР олий қонунчилик органлари самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Икки мамлакат парламентларининг қўмиталари, комиссиялари ва фракциялари ўртасида доимий мулоқот йўлга қўйилган. 1996, 2001 ва 2003 йилларда Олий Мажлис ва Бундестаг раҳбарларининг ташрифлари ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш учун янги имкониятларни очди.

Бундестагда фаолият кўрсатаётган Марказий Осиё минтақаси бўйича парламент гуруҳи йилига икки марта Ўзбекистонда бўлиб, Олий Мажлис вакиллари билан маслаҳатлашувлар ўтказади. Германия парламенти депутатлари ўзбек ҳамкасблари орасида қонунчилик соҳасининг турли йўналишлари бўйича ўз тажрибасини ўртоқлашиб келмоқда.

Ўзбекистон ва Германия олий қонунчилик органлари халқаро парламентлараро ташкилотлар ҳамда Европа парламенти доирасида хавфсизлик ва бошқа ўзаро манфаатли масалалар юзасидан ҳам ҳамкорлик қилиб келаётир.

Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шаклланиши мамлакатларимиз олий қонунчилик маҳкамалари ўртасидаги алоқалар ривожини янги босқичга кўтаришига ишончим комил.

(ЎзА)

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Репортаж

Андижон-Фарғона катта магистрал йўли ёқасидаги маҳобатли бино – қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи шу кунларда кишилар билан гавжум. Боиси бу ерда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 16-Асака сайлов округи жойлашган. Халқимиз тарихидаги ғоятда муҳим ушбу тадбирнинг уюшқоқлик билан, сайловчиларнинг фаоллигида ўтиши учун ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Электр чироқларидан чароғон, дид билан жиҳозланган бинода ахборот маркази ишлаб турибди. Коллеж директори Шавкатбек Маматкаримов бошлиқ 11 кишидан иборат округ сайлов комиссияси аъзолари белгиланган ҳар бир тадбирни вақтида, намунали амалга оширишга ҳаракат қилишмоқда. Компьютер, факс, нусха кўчириш каби техника воситалари ғоятда асқотмоқда. Биров Тошкент орқали Марказий сайлов комиссияси билан боғланиб, баъзи бир саволларга аниқлик киритса, бошқаси компьютерга участка сайлов комиссиялари аъзолари ҳақидаги маълумотларни тушурмоқда. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан боғланиб, сайловчилар рўйхатига ўзгартиришлар ҳам қайд этиб борилаяпти.

Файзли хонага сайловчилар биринкетин келиб туришибди. Улардан бири Соҳиба Умарова. У бу йилги сайловларнинг ўзига хос томонлари билан қизиқаётганлигини билдирди. Моҳир тарғиботчи Шукрулло Адҳамов сайловчини ахборот маркази иши билан таништиргач, Умаровага тегишли қўлланмалар, икки палатали парламент хусусидаги мақолаларни тавсия этди. Сўнг хотин-қизларнинг сайловлардаги мавқеи ҳақида алоҳида гап борди.

Сайловчилар округ сайлов комиссияси ташвиқот гуруҳи аъзоси, коллеж директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Шуҳратжон Маматов фаолиятидан ҳам қониқиш ҳосил қилишмоқда. Аввало у маҳаллаларда кенг тушунтириш ишларини намунали олиб бормоқда. Ҳаётий мисоллардан, адабиётлардан, матбуотда эълон қилинган мақолалардан унумли фойдаланмоқда. Айни пайтда сайлов округидаги Президентимиз асарлари, рисолалар, сайлов қонунчилигига оид адабиётлар ҳам сайловчиларга ғоятда асқотмоқда.

Бу ерга ташриф буюраётган турли соҳа кишиларининг фикри билан қизиқдик. Сайловолди тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилганлиги, туман ҳокимлигининг ташкилий бўлими томонидан тайёрланган стенд, йўриқномалар тўплами кўпгина саволларга ойдинлик киритишда ёрдам бераётганини таъкидлашди.

– 26 декабр куни бўлиб ўтадиган сайловда 16-Асака сайлов округи бўйича 118 минг сайловчининг овоз бериши кутилмоқда, - дейди суҳбатдошимиз Ғайбулло Сотиболдиев. – Мавжуд 50 та сайлов участкаси аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Одамлар номзодлар ҳақида аниқ маълумотга эга. Хуллас, бўлажак сайловнинг адолатли, очиқ ва ошкора, демократия талаблари асосида ўтиши учун ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

С.РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

ДЕҲҚОН АСЛО КАМ БЎЛМАГАЙ

Янгиқўрғон туманидаги Ўнғор номи билан аталувчи ушбу тоғ ва унинг ғори ҳақида қизиқ афсоналар тўқилган. Айтишларича, бу ерда сирли ғор мавжуд бўлиб, уларда битмас-туганмас бойликлар яширинган эмиш. Ҳозиргача улардан биронтаси ҳеч кимга насиб қилган эмас. Аммо, тоғ-ён бағрида жойлашган «Заркент» ширкат хўжалиги деҳқонлари афсонада айтилган хазинани мардона меҳнатлари билан оназаминдан топмоқдалар.

Аслида, қишлоқ номининг ўзи ҳам кишини бефарқ қолдирмайди. Зеро, Заркент, Заршаҳар нозик таъб қишлоқ иморатсозлари маҳоратлари маҳсули сифатида қад ростлаб турибди. Бир-биридан бежирим турар жойлар, қатор муассаса бинолари, бозор ва савдо дўконлари унча-бунча шаҳарникидан қолишмайди. Энг муҳими, қишлоқ аҳли меҳмондўст, одамохун ва меҳнаткаш. Улар билан мулоқот қилсангиз, кўнгил чигилларингиз ёзилади, дунё қарашингиз, бу кўҳна дунё ҳақидаги билимларингиз кенгаяди.

– Бизнинг энг катта ва тенгсиз бойлигимиз қишлоғимизнинг меҳнатда толиқиш билмайдиган, ҳар қандай қийинчилик бўлмасин, матонат билан енгиб, ўз олдига қўйилган вазифани бажаришга интиладиган кишиларимиз, – дейди хўжалик бошқаруви раиси Авазхон Масаидов. - Улар тош чиқадиган занг ер шароитида тоғ ён бағрига ўрмалаган узумзор, олмазор боғлар яратишган, ғалладан, картошкадан деҳқончилик қилиб мўл ҳосил етиштиришяпти. Бу йил пахтачиликда ҳам ўзимизни синаб кўрдик. Биринчи марта ерга чигит қадаб режада белгиланган 125 тонна ўрнига, 135 тонна пахта тайёрладик.

Дарҳақиқат, хўжалик жамоаси йилни чакки якунламаяпти. Йил бўйи қилинган меҳнат туфайли далалардан 480 тона картошка, 350 тонна сабзавот, 2000 тоннага яқин мева, 300 тонна узум йиғиштириб олинди. Айниқса, дончилик бўйича самарали натижаларга эришилди. 480 гектар занг ерларда ғалладан деҳқончилик қилиниб, 4 минг тонна ғалла ишлаб чиқарилди ва унинг 2005 тоннаси давлатга сотилди. Неъматжон Тожибоев, Муҳаммаджон Мираҳмедов, Иномжон Бўриевлар бошлиқ бригада жамоалари бу борада юқори кўрсаткичларни қўлга киритдилар. Энг муҳими, дон етиштиришдан ишлаганларнинг ўзлари кўпроқ наф кўрмоқдалар. Хирмонга тўпланган доннинг деярли ярми хўжалик ихтиёрида қолдирилгани нур устига аъло нур бўлди. Пудратчилар 2-3 тоннадан дон олишди. Хўжалик қишлоқларида яшайдиган барча хонадонларга ҳам дон тегди. Қаровчисини йўқотган ёлғизларга, кам таъминланган оилаларга, хўжалик ҳудудида яшайдиган зиёлиларга ҳам имтиёзли нархларда буғдой тарқатилди. Боғдорчиликдан эса 48 миллион сўм даромад олинди.

Умумий йил якуни бўйича 350 миллион сўм ялпи даромад олиш мўлжалланаяпти.

– Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда даромаднинг ортиб бориши аҳоли турмуш даражасини юксалиши ва қишлоқларимиз ободонлашишига хизмат қилмоқда, – дея суҳбатда давом эттирди раис.— Масалан, шу йилнинг ўзида 10 километр масофага газ тортилди, шунча узунликка тоза ичимлик суви келтирилди. Ўзак қишлоғида болалар спорт мактаби бунёд этилди. Тадбиркор Холмирза Мирзаакбаровнинг савдо маркази қурилишига кўмаклашилди. 13 та кам таъминланган оила ва ёлғизларга турар жой қуриб берилди. 20 хонадоннинг уйини таъмирлаш учун ёрдам кўрсатилди. Ҳосилни йиғиштириш пайтида барча дала шийпонларида бепул иссиқ овқат ташкил этилди. Умуман, бу йил ижтимоий муҳофаза учун 6,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ҳа, меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деб бежиз айтишмаган. Шу боисдан ҳам шу кунларда кузги-қишки ишлар авж олдирилмоқда. Боғларда дарахтларга шакл бериш, токзорларни мавсумга шайлаш ишлари авжида. Келгуси йилда 750 гектар майдонда ғаллачилик қилинади. Уруғ ўз вақтида агротехника қоидалари асосида экилганлиги боис бир текис униб чиқди. Биринчи суғоришдан чиқарилди. Ҳозир озиқлантириш ишлари олиб борилмоқда. Демак, келгуси йилда янада кўпроқ ҳосил етиштирилади. Бу эса халқ турмуш фаровонлигининг ошишига замин яратади.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

ШУ АЗИЗ ВАТАН — ҲУР

Ўзбекистон Конституцияси жамики дунёвий қадриятлар орасида энг улуғи – инсон деган фикрни илгари суради ва шу асосда фуқаро-жамият-давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар оқилона ҳуқуқий ечимини топади. Зеро, дунёнинг яратилиш моҳияти ҳам – инсон. Ҳамма нарса инсон учундир. Барча таълимотлар инсон камолоти, инсон қалби, хоҳиш ва орзуларига хизмат қилади. Ҳазрати инсонни эса бу ёруғ оламда тили, дини, миллати, туғилган заминидан қатъи назар ўзлик туйғуси бир-бирига якинлаштириб, дўсту биродар, ҳамкору ҳамнафас қилади. Шундан бўлса керакки, инсоният бир қисмат — ягона ер усти, ягона қуёш остида ҳаёт неъматларидан бахраманд бўлади. Ҳаёт завки эса тинчлик, тотувликда, дўстликда намоён бўлади.

ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Ҳар бир кишида ўз халқининг тили, руҳияти, анъана ва қадриятлари яшайди. Барча адолатли қонунлар ўзаги бўлмиш Конституциямиз ҳам халқ манфаатини ифода этиб, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенглигини эътироф этади. Зеро, турли миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ҳамкору ҳамжиҳатлилиги она Ўзбекистонимизнинг энг катта ютуғидир.

Шу маънода кўп миллатли мустақил Ўзбекистонимизда турфа маданиятларнинг гуллаб яшнаётгани ҳар бир ўзбекистонликка фахр ҳис-туйғусини бахш этмоқда. Президентимизнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганлигининг 10 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларига йўллаган табригидаги ушбу сўзлар фикримиз исботидир: «... Алоҳида ғурур ва ифтихор билан таъкидлаб айтмоқчиманки, Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизларнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз, бу жамиятда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир».

Ҳақиқатан ҳам дўстлик ва ўзаро ҳамкорликка асосланган барқарорлик мамлакатимизда амалга оширилаётган оқил ва одил сиёсат мевасидир. Бу эса хорижлик мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Япониялик олим Шин Ватанабенинг таъкидлашича, миллатлараро муносабатлар билан боғлиқ муаммоларни ечишда уч хил йўл бор. Биринчиси АҚШ, Франция, Германия, иккинчиси, Ироқ, Афғонистон, собиқ Югославия йўли ҳисобланади. Учинчи йўлнинг энг ёркин тимсоли эса Ўзбекистон бўлиб, унда миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлашда миллий ва умуминсонийликнинг энг яхши жиҳатларини ўзида акс эттирган маънавият, таълим, меҳр-мурувват каби қадриятларга асосланиб иш олиб борилади.

Мустақиллик йилларида биргина ўзбеклар орасида эмас, Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасида этник маданий асосларда бирлашиш, ўзаро



жипслашиш жараёни содир бўлди. Кўп миллатли республикамизда истиқомат қилаётган турли миллатга мансуб фуқароларнинг мамлакатга ном берган асосий миллат – ўзбеклар билан тенг ҳуқуқлиги таъминланди. Бу тенглик эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган. Мустақилликни мустаҳкамлаш, ижтимоий барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш йўлидаги фидокорона меҳнати учун ўзбек халқи вакиллари билан бир қаторда турли соҳаларда меҳнат қилаётган қорақалпоқ, тожик, рус, украин, корейс, араб ва қозоқ миллатига мансуб 10 нафардан зиёд юртдошимизга «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвони берилиб, уларга олтин юлдуз медали топширилгани эса бу борадаги эзгу ишларнинг исботидир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш, миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, миллий қадриятларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш ишларини изчил давом эттириш мақсадида Республика байналмилал маданият марказини ташкил этилди. Натижада 1991 йилда 10 та бўлган миллий-маданий марказлар сони жорий йилга келиб 138 тага етди. Бу эса ҳар бир халқ ва миллатнинг этник ўзига хослиги, тили, урф-одатлари, анъаналарини сақлаб қолишда муҳим рол ўйнамоқда. Турли миллат вакилларининг тинч-осойишта ҳаёти, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашдаги муҳим воқеалар, тантаналар, оммавий байрамларга тайёргарлик кўриш, уларда барча юртдошларимизнинг фаол иштирокларини таъминлаш марказимиз фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Бундай тадбирлар, биринчидан, турли миллат вакилларининг миллий тарихи, урф-одатлари ва анъаналаридан хабардор қилса, иккинчидан, маданий ҳордиқ чиқаришга кўмаклашади. Шу билан бирга миллий ўз-ўзини англашга хизмат қилиб миллатлараро бирдамлик, ҳамжиҳатликнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир миллат фарзанди онги-шуурига ягона Ватан туйғусини сингдириш мақсадида вилоят, шаҳар ва туманларда «Шу азиз Ватан – барчамизники» мавзуида турли тилларда ижод қилувчи ёзувчи, шоир, санъаткорлар, бастакорлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилаяпти. Энг муҳими, бундай тадбирлар театрлаштирилган томошалар, адабий-бадиий кечалар ва уч авлод вакилларининг фикр алмашуви тарзида ўтказилмоқда. Биргина Тошкент вилоятида ўнлаб ижодий жамоалар фаолият кўрсатмоқда. Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ, Бекобод шаҳарларида маҳаллий телевидение ишлаб турибди. Улар ўз кўрсатувларини маҳаллий аҳолининг миллий қатламлари таркибини ҳисобга олган ҳолда ташкил этмоқдалар. Марказ томонидан амалга оширилаётган эзгу ишлардан яна бири, фуқароларда ягона Ватан туйғусини уйғотиш, «Ўзбекистон – ягона Ватан» деган ғояни қалбларга сингдиришдир. Негаки, миллатидан қатъи назар ҳар бир фуқаро она Ўзбекистоннинг бугуни, эртаси унинг камоли билан узвий боғликдир.


Айниқса, халқ ижодиёти фестивалларини ёшларни миллий қадриятларга муҳаббат, этник қадриятларни ўрганиш ва эъзозлаш руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни кунда миллий-маданий марказлар қошида 40 дан ортиқ бадиий жамоалар фаолият кўрсатмоқда. Улардан айниқса, арман, озарбайжон, рус, тожик, украин, корейс, немис халқларининг етакчи бадиий ҳаваскорлари катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда. Барча миллий-маданий марказларда «Ўзбекистон – бизнинг Ватанимиз» шиори остида давра суҳбатлари, адабий-бадиий кечалар, фестивалларда ва учрашувлар ўтказилмоқда. Жумладан, Бухоро, Фарғона, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Навоий, Самарқанд вилоятида маданият марказимиз ва ҳокимликлар ҳудудий марказ вакиллари иштирокида Ўзбекистон Мустақиллигининг 13 йиллиги муносабати билан ажойиб тадбирлар ўтказдилар.

Шу билан бирга Тошкент трактор заводида А.С.Пушкин таваллудининг 205 йиллиги муносабати билан ўтказилган шеърият кечаси, «Видергебурт» немис миллий-маданий марказидаги семинар, рус миллий-маданий маркази томонидан «Россия куни»га бағишланган тантанали кеча, Навоий шаҳрида ўтказилган рус маданияти альманахи, шунингдек, корейс, татар, поляк миллий-маданий марказлари томонидан уюштирилган дўстлик ва маданият кечаси каби маънавий-маърифий тадбирлар халқлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди. Бу борада марказимизнинг республикадаги мавжуд элчихоналар билан яқиндан ҳамкорликда иш олиб бораётгани қувончлидир.

Бундан ташқари, марказимиз Меҳр ва мурувват йили ва Мустақилликнинг 13 йиллиги муносабати билан бир қатор тадбирлар ўтказдики, буларнинг барчаси дўстлигимиз қасрини жилолантирувчи омиллардир.

Айниқса, миллий-маданий марказлар раислари иштирокида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, Тошкент ахборот технологиялари университетлари ва Бухоро озиқ-овқат саноати технологиялари институтидаги учрашувлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Хуллас, ўтаётган ҳар бир тадбир замирида «Ўзбекистон – умумий уйимиз» шиори акс этиб, мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат вакилларини эзгу мақсади йўлида бирлаштирмоқда.

Муножотхон НУРМАТОВА,
Республика байналмилал маданият маркази директорининг ўринбосари вазифасини бажарувчи



Ислом КАРИМОВ:

Ҳақиқатан ҳам, Ватан ягонадир, Ватан биттадир. Унинг буюк келажаги ва фаровонлиги учун, халқимизнинг тотувлиги, тинчлиги, миллатлараро жипслиги ва ҳамжиҳатлиги учун курашиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳар фарздир.

ЎҲШАШИ ЙЎҚ БУ ГЎЗАЛ БЎСТОН

Дунёда шундай муқаддас туйғулар борки, улар на чегарани билади, на тилни, на дину диёнатни тан олади. Инсоний муҳаббат, дўстлик, самимият ана шундай туйғулардан. Бу муборак туйғу туфайли одамзотнинг ҳаёти гўзал, умри мангуликка дахлдор. Масалан, оддий немис қизининг тақдири ўзбеклар, Ўзбекистон билан боғлиқлигини ким ўйлабди, дейсиз. Яхшиси бир бошдан сўзлаб берай. 1932 йилда Украинанинг Николаев вилоятида, немислар яшайдиган Шанфельд қишлоғида туғилганман. Болалигим уруш даврида ёниб кетган десам ишонаверинг. Фашистлар қишлоғимизни босиб олиб, бизни Польшага ҳайдаб кетишди. Кейин оиламизни Комига сургун қилишди. Бу орада онам вафот этиб, отам Варя исмли немис аёлига уйланди. Отам ўлгач ана шу меҳри дарё аёл бизга қаради. Қишлоғимизда кечган урушда синглимни йўқотиб қўйдим. Ўшанда мен 13 ёшда эдим. Ҳамон эсимда ёнаётган буғдойзор... Жон беролмай қийналаётган солдатлар. Уларга эмаклаб бориб, нон, сув берардик. Ўшанда бизни меҳр, инсоний муҳаббат туйғулари ипсиз боғлаган эди. Фашистларнинг ўқ ёмғиридан қўрқмай солдатларнинг жонига оро кирардик. Эҳ-ҳе, ўшанда қанча аскарлар қишлоғимиз одамлари меҳридан бахраманд бўлиб ҳаётга қайтган. Бу ишимиз учун бизни Сибирга шундай мароқ билан сўзлаб берардики, гўё мен ҳам бу ўлканинг мафтуни бўлиб қолардим. Хуллас, шу йигитга тақдирим қўшилган экан, турмуш қурдик. 1955 йилда унинг она шаҳри Ҳаққулободга келдик. Бу орада ўзбекларнинг самимияти мени ўзига мафтун қилди. Бугун эса уларсиз ҳаётимни тасаввур қилолмайман. Фарзандларим Хадича, Анваржон, қўйингки, ўзим ҳам Ўзбекистоннинг бир бўлагига айланиб кетибман.

Шу йил синглимни кўриш учун Германияга бордим. 60 йиллик жудоликдан кейин жигарини кўрмоқ қанчалик бахт бўлмасин, уч кунда Ўзбекистонни, қуёшини, одамларини, қўйингки, тупроғини ҳам соғиниб кетдим. Совғага олиб борган ўзбек нонининг ушоғини кўзга суртиб, Наманган олмаларини ҳидлаб, улардан Ватан соғинчини туйдим. Ҳа, Ўзбекистон нафақат турмуш ўртоғим, фарзандларим, балки менинг ҳам жони жаҳонимга айланган. Айниқса, халқимиздаги меҳр-оқибат, меҳмондорчилик, самимият ҳеч ерда йўқ экан. Ўзбекларга хос қўни-қўшничилик, маҳалла-кўй қадриятлари қанчалик улуғ туйғу эканлигини ана шу сафар орқали билиб олдим.

Елизавета АҲМЕДОВА,
Ҳаққулобод шаҳри

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Ўзбекистонда 1897 йилда 70 миллат ва элат вакиллари яшаган бўлса, 1926 йилда уларнинг сони 91 тага етди. 1959 йилда 113 та, 1979 йилда эса 123 миллат ва элат вакиллари яшаган. Бугунга келиб уларнинг сони 130 дан зиёд бўлиб, Ўзбекистон аҳолиси таркибидаги улуши 20 фоиздан ошади.



УЧҚУДУҚДА ҚОЗОҚ МАКТАБЛАРИ

Ўзбек ва қозоқ халқлари қардошлигининг илдизлари қадим ўтмишга боғланиб, ниҳоятда теран ва бақувват дир. Бу дўстлик асрлар оша сайқалланиб, пўлатдек мустаҳкамланиб, бизгача етиб келган. Шу боис унинг тарихи ҳам ўзидек бағоят гўзал урф-одат ва анъаналарга бой. Тили, дини, тақдири муштарак бўлган бу икки қардош ва жондош халқ ҳозир ҳам бир ариқдан сув ичиб, бир хонадондан кўшиқ тинглашади. Шу боис Ўзбекистонда истиқомат қилаётган қозоқлар бу саховатпеша заминда ўзларини ўз юртлари, ўз овуллари, ўз ўтовларида яшаётгандек эркин, хотиржам ҳис қиладилар.

1992 йилдан бери фаолият кўрсатаётган Республика қозоқ маданияти марказига Қорақалпоғистон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри қозоқ маданий марказлари бирлашган.

Мамлакатимиздаги 609 та мактаб, 259 та таълим даргоҳида машғулотлар фақат қозоқ тилида олиб борилади. Шунингдек, Тошкент Педагогика Университетида қозоқ тили факультети фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, кўплаб олийгоҳларда қозоқ тили ва адабиёти кафедралари ишлаб турибди.

Бизнинг кўпмиллатли Учқудуқ туманимизда ҳам 20 та қозоқ, 2 та ўзбек, 2 та рус, 1 та аралаш мактабларда 8306 нафар ўқувчи таълим-тарбия олишади. Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли шимолий бошқарма шаҳар мактаблари қатори овуллардаги таълим муассасаларига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Шу мақсадда овуллардаги 8 та мактабнинг спорт заллари ва очиқ спорт майдончалари таъмирланиб, жиҳозланди. Бундан ташқари, 8-мактабнинг иситиш тармоғи таъмирланди. Оромгоҳларда болаларнинг мириқиб дам олиши таъминланди.

Ҳар бир кўрсатилаётган ғамхўрлик ёшларни маънан ва жисмонан кучли шахс бўлиб улғайишларига замин яратмоқда. Шу билан бирга ўқитиш қозоқ тилида олиб борилаётган мактабларда рейтинг тизимини жорий этиш бўйича синов-тажриба ўтказилиб, бу ерда тўпланган тажриба ўтган йили 700 га яқин қозоқ мактабларига жорий этилди. Туманимиздаги мактабларни замонавий техник жиҳозларига қатта эътибор берилмоқда. 13-мактаб янги русумли компьютерлар билан жиҳозланган бўлса, 1-, 3-, 6-, 29-мактабларда машғулотлар замон талабига мос илғор педтехнология бўйича ўтмоқда. 11-мактаб эса Осиё тараққиёти банки грантига тавсия этилган.

Молдабек СЕЙНАЗАРОВ,
Учқудуқ тумани халқ таълими бўлими мудири

БАҒРИ КЕНГ ХАЛҚ

Бизнинг Дўстлик туманимиз вилоятдаги нафақат ижтимоий-иктисодий салоҳиятга эга бўлган ҳудуд, балки исми жисмига монанд биродарлик, дўстлик гўшаси десам асло янглишмайман. Бир пайтлар куш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган бу чўл 24 миллат ва элат вакилларининг заҳматли меҳнатлари, ўзаро ҳамкорлиги, қўлни қўлга бериб, кўрик машаққатларини мардонавор енгиб ўтганлари туфайли ана шундай ажойиб гўшага айланди.

Аслида бизнинг оиламиз ҳам ана шундай дўстлик замирида қурилган. Мен рус қизиман. Асли Ставропол ўлкасида туғилиб ўсганман. 1957 йилда педагогика билим юртини тугатиб, 60 нафар курсдошларим билан Ўзбекистонга келганмиз. 11 нафар дўстларим қатори мен ҳам Ғаллаорол тумани мактабларига ишга жойлашдим. 41-мактабда илк фаолиятимни бошлаганда, менга ўзбек муаллимлари устозлик қилиб, касбимнинг сир-асрорларини ўргатишди. Шу мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаётган ўзбек йигити Ҳожи Қултоевга турмушга чиқдим. Оиламга, шогирдларимга муҳаббатим йиллар давомида табаррук заминга бўлган меҳримни оширди. Шу-шу Ўзбекистонга боғланиб қолдим. Шарқнинг гўзал шаҳри, эртакларлардагидек маҳобатли Самарқандда ўқиб, билимимни оширдим.

1973 йилда оиламиз билан шу ҳудудга кўчиб келдик. У пайтлар ҳали бу ерда шароит етарли эмас эди. Қишнинг совуғи, ёзнинг жазирамасида турли миллат вакиллари бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилар, чўлда боғ-роғлар, маданий-маиший иншоотлар барпо этишарди. Уларни кўриб қалбинг қувончга тўлиб кетарди. Дастлаб «Кабутар» болалар боғчасида мудира, кейинчалик мактаб директори бўлиб ишладим. Мактабимизда турли миллат болалари билим олишарди. Биз ўқитувчи-устозлар эса уларда аҳиллик, дўстликнинг қудрати билан барпо этилган туманимиз ҳақида сўзлаб беришдан чарчамасдик.

«Дўстлик» ордени билан мукофотландим. Бу биргина менга эмас, ҳудудимиз ободлиги, аҳиллиги учун камарбаста бўлган дўстларимга ҳам берилган мукофот сифатида ниҳоятда қадрлидир. Негаки, мен учун дунёда улардан азиз киши йўқ. Бу серқуёш диёрнинг одамлари қалбида ҳам шундай бир мунаввар ёғду борки, у мени мафтун этди. Улар орасидан бахтимни топдим. Она, устоз деган муқаддас номга сазовор бўлдим. Беш фарзандниинг онасиман. Уларнинг бахтини кўриб дилдилдан севинаман. 14 нафар невараларим ҳаётим давомчилари. Оиламизни зиёлилар оиласи дейишади. Дилором, Шоира, Гулбаҳор, Моҳидил каби қиз ва келинларим педагог. Келиним уйида хонадон боғчаси ташкил этган. У ерда маҳалланинг 40 нафар кичкинтойи тарбияланади.

Людмила ЧЕФРАНОВА,
ўқитувчи



ШУНДАЙ ЎЛКАКИ...

– Мен энг бахтли инсонман. Бу бахт нима билан изоҳланади? Бу, аввало, менинг тақдирим ўзбеклар диёри билан боғлиқ бўлганида, деб биламан. Миллатим - немис. Ўзбекистонда туғилдим, ўсдим, улғайдим. Бир инсон ҳаётда қанчалик бахтга эришиши мумкин бўлса, шунга эришдим.

Ўзбеклар... Олижаноб, самимий, инсонпарвар халқ. Ўзбекистон мактабининг тарбияси менда бу миллатга хос бўлган фазилатларни сингдирди.

Онам ҳамиша менга мана шундай Ватаним борлиги, унинг ҳар бир қарич ерини, олтинга тенг тупроғини асраб-авайлаш, қадрлаш лозимлигини қайта-қайта айтиб келадилар.

Меҳнат фаолиятимни рус тили ўқитувчиси сифатида 9-ўрта мактабда бошлаганман, 1990 - 1995 йилларда Уйчи туман Халқ депутатлари Кенгашига депутат этиб сайландим. Бу эса мени халқ билан янада яқинлаштирди. Ўзбек халқининг беғуборлиги, меҳнатсеварлиги, айни пайтда талабчанлиги мени доимо изланишга, янги-янги марраларни эгаллашга ундади.

Эл-юрт олдидаги камтарона хизматим юксак даражада қадрланиб, 2-даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотландим.

Шундай қилиб, ҳаётий йўлим, тажрибам шуни кўрсатиб турибдики, Ўзбекистонда ўз қобилиятимни, орзу-умидларимни тўла амалга ошириш имкониятига эга бўлдим. Шу боис Ўзбекистон диёрини ўз Ватаним дейишга ҳақлиман!

В. ВАХТЕЛЬ,
Наманган вилояти

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК

Бугун биз мустақил Ўзбекистоннинг бахтли ва фаровон, тинч ва ҳамжиҳат келажаги дея яшаб, меҳнат қилаяпмиз, бугунги синоатларни ҳамжиҳатлик билан бартараф этиб бормоқдамиз. Фарзандларимизнинг - ўзбек, рус, корейс, тожик, татар, бошқирд, қирғиз ва украин ўғил-қизларининг иқболли келажаги умидида яшаяпмиз.

Шаҳримиз мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Юртбошимизнинг таъбири билан айтганда, Олмалиқ шаҳри ва унинг ўзаги - кон-металлургия комбинати маҳсулотлари жаҳон бозорлари ва кўргазмаларида олтин медаллар билан тақдирланмоқда.


Шаҳримизда бугунги кунда 114 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Бу ерда ўзбеклар, руслар, украинлар, тожиклар, қирғизлар, корейслар, татарлар ва бошқа миллатларнинг вакиллари яшайди. Шаҳарда ҳар бир миллатнинг ўз миллий, маънавий ва маданий анъаналари, урф-одатларини сақлаб қолиш, бойитиш ва ёшлар турмушига сингдириш учун кўп ишлар қилинмоқда.


Мустақиллик йилларида халқлар дўстлиги тушунчаси янгича маъно касб этди. Ҳар бир миллат ўз қадр-қимматини, қадриятлари моҳиятини англай бориб, ўзаро яқинлашдилар. Натижада шаҳримиз ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий жиҳатдан юксалди.

И. ПАК,
Олмалиқ шаҳри

ЎЗБЕКИСТОН БАРЧАМИЗНИКИ

БУЮК ҲАЁТ ҚОМУСИ





Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 18-модда

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланиши белгилаб қўйилган ва унинг асосида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари шакллантирилди. Бу тармоқлар бир - биридан мустақил равишда иш юритади, улар ўзларига берилган ваколатлар доирасида ҳокимият тармоқлари мувозанатини таъминлаб, айрим бир ҳокимият тармоғи томонидан кўпроқ ҳокимият ваколатларини эгаллаб олиниши ёки ҳокимият тармоқларининг ўзаро ихтилофлари ва шу асосда келиб чиқиши мумкин бўлган Конституциявий кризисларнинг олди олинади.

Конституциямизга мувофиқ давлатимизда қонун чиқарувчилик ҳокимиятини Олий Мажлис, ижро этувчилик ҳокимиятини республика Ҳукумати, суд ҳокимиятини эса Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик судлари ва жойлардаги судлар томонидан амалга оширилади. Ҳокимиятларнинг бўлиниш тамойили Конституциянинг Президент, Олий Мажлис, Ҳукумат, судлар статусларини белгиловчи моддаларида ривожлантирилиб конкретлаштирилган.

Ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойилини амалга оширишда Конституциявий суд алоҳида ўрин тутади. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисидаги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ унга Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Республика Президенти томонидан қабул қилинган Фармонлар, ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорлар ва бошқа органларнинг норматив ҳужжатларини Конституцияга мослигини аниқлаш ва хулосалар бериш ваколати, яъни норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар устидан Конституциявий назоратни амалга ошириш юклатилган. У Конституциянинг устунлиги ва тўғридан тўғри амал қилишини таъминлашга, ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари билан бир (умумдавлат) даражада фаолият кўрсатишга даъват этилган.

Мамлакатимизда Конституцияга мувофиқ суд ҳокимиятини учта суд тармоғи амалга ошириб келмоқда. Булар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, республика Олий суди бошчилигидаги умумий юрисдиксия ва Олий хўжалик суди бошчилигида хўжалик судлари тизими. Юртимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ҳар уччала суд тармоқлари бўйича фаол амалга оширилмоқда. Айниқса, умумий юрисдикция судларида бу соҳада анча жиддий ислоҳотлар амалга оширилди. Судлар мустақиллигини таъминлаш, туман, шаҳар ва вилоят суди судьяларининг бевосита республика Президенти томонидан тайинланиши, судларнинг ихтисослашуви, жиноят учун жазоларни либераллаштиришнинг амалга оширилиши, судларнинг жазоловчи органдан инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи орган даражаси томон ривожлантирилиши мана шулар жумласидандир.

Суд ислоҳотлари доирасида суд ҳокимиятининг янги тармоғи хўжалик судлари тизими ташкил этилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда.

Суд ҳокимиятининг тармоқларидан бири бўлган Конституциявий суд ҳам ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтди. Ёдингизда бўлса мамлакатимизда дастлаб парламент қошида 1990 йилда конституциявий назорат комиссияси таъсис этилиб, у 1995 йилга қадар фаолият кўрсатган эди. Жаҳон конституционализми тажрибасини ўрганиш, милий давлатчилигимизнинг хусусиятларини ва ҳокимиятлар бўлиниши принципини янада мукаммалроқ амалга ошириш мақсадида 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ташкил этилди ва у фаолият кўрсата бошлади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ўзининг энг асосий вазифаси - мамлакат Конституциясини муҳофаза қилиш, қабул қилинаётган барча қонунлар ва норматив актларнинг конституцияга мослигини назорат қилиш бўйича маълум ижобий тажрибага эга бўлди. Айни пайтда Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Шу кунларда авж олган сайлов кампанияси муносабати билан Ўзбекистонда демократик сайловларнинг принципиал қоидалари биринчи навбатда Конституциямизда ўз ифодасини топганлигини таъкидлаш мумкин.

Янги Конституциямиз мафкуравий ва сиёсий ранг-баранглikka кенг йўл очди. У жамият сиёсий ҳаётида кўп партиявийликни жорий қилди.

Ҳар бир партияга сайловларда иштирок этиш, ҳеч бир тўсқинликсиз фаолият кўрсатиш, ўз мафкурасини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш, аҳоли эътиборини жалб қилиш ва ўз сафларига кўнгилларни қабул қилиш имконияти яратилди. Бунинг натижаси ўлароқ ҳозирда республикамизда бешта сиёсий партиялар рўйхатга олинди ва фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётини янада демократлаштириш зарурияти, шунингдек давлатимизда ўтказилаётган янгиланиш ва такомиллаштириш жараёнлари, жаҳон конституциявий қонун ижодкорлигининг амалда синалган илғор андозаларини Ўзбекистон сиёсий-ҳуқуқий системасига жорий қилишни тақозо этди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасида 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдум якунларига кўра Олий Мажлиснинг 8-сессиясида «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида» Конституциявий Қонун қабул қилинди ва бу Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тегишли ўзгартишлар киритишга асос бўлди.

Давлатимизнинг қонун чиарувчи органи - Олий Мажлис икки палата - Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат этиб шакллантирилиши, унинг таркиби, фаолият юритишининг қонуний асослари белгиланди. Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» Қонунлар қабул қилинди. Юқорида кўрсатилган ўзгартишлар Конституциянинг давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши масалаларига тааллуқлидир. Қонунчилик палатаси, Олий Мажлиснинг ҳозирги ишлаш шаклидан фарқли ўлароқ доимий ишлайдиган орган сифатида жорий қилиндики, бунинг натижасида депутатлар бевосита қонун ижодкорлиги фаолияти билан узлуксиз равишда шуғулланиш имкониятига эга бўладилар. Конституция ва сайлов тўғрисидаги янги қонунларга мувофиқ янги таркибдаги Олий Мажлис сайловчилар сонига асосан тузилган сайлов округлари бўйича (Қонунчилик палатаси) ва ҳудудий вакилликка асосан (Сенат) шакллантирилиши унинг муҳим хусусиятларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Конституциямизнинг зарварақларини очиб, унинг Муқаддимасида баён этилган мақсад ва вазифалар, уларга эришиш тамойилларини ўқир эканмиз, онгимиз ва қалбларимизни Конституциямиздан фахрланиш туйғулари қамраб олади.

Конституция Муқаддимасининг дастлабки жумлалариданоқ инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитетига садоқат, демократик ижтимоий адолат эълон қилинган. Демократик давлат барпо этиш, фуқароларнинг тинч-тотув ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадлари каби фундаментал мақсадлар қайд этилган.

Президентимиз сўзлари билан айтганда «Бугунги кунда Конституциямиз ҳақида сўз юритар эканмиз, энг долзарб, керак бўлса, энг буюк вазифамиз Олий Қомусимиз белгилаб, муҳрлаб берган асосий принцип ва тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишдан иборатдир».

Х.ХОЛБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг катта эксперти

БИР КЎНГИЛ ИМОРАТИ...

Меҳр-оқибат, саховат юксак даражада улуғланган юртимизда инсон зийнати бўлмиш кўнгилик, меҳр-шафқат, эзгулик ва раҳмдиллик кўрсатиш анъанага айланган. Республикада энг йирик жамоат ташкилоти Ўзбекистон касаба уюшмалари меҳнаткашлар ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиб, меҳнат шароитини яратиш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, маънавий онгини ўстириш билан бирга ёлғиз, кам таъминланган, мухтож оилаларга, Меҳрибонлик, саховат уйларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келаётир.

Айниқса, Меҳр ва мурувват йилида, Ўзбекистон Конституциясининг 12 йиллиги байрами арафасида кенг кўламли хайр-эҳсон тадбирлари уюштириляпти. Чунончи, байрам арафасида Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги заиф эшитувчи болалар махсус интернати тарбияланувчиларига 3 миллион сўмлик қишки мавсумга мўлжалланган уст-бош, спорт кийимлари ва пойабзаллар ҳадя этилди.

3 декабр — Халқаро ногиронлар кунида ногиронларнинг бир гуруҳига қимматбаҳо совғалар ажратилди. Бу каби тадбирларни жойлардаги касаба уюшмалари кенгашлари, тармоқ касаба уюшма Марказий қўмиталари ҳам амалга ошириб келмоқдалар.

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

Масалан, Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари томонидан ёлғиз ҳамда Меҳрибонлик ва саховат уйларига 2,5 миллион сўмлик кийим-кечак, дори-дармон билан ёрдам кўрсатилди.

Андижон вилояти касаба уюшмалари томонидан Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи бир гуруҳ ёлғиз фуқароларга 55 минг сўмдан, шаҳардаги 2-Меҳрибонлик уйи учун ўқув ва ёзув қуроллари ҳадя этилди. Умуман вилоят бўйича касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 30 миллион сўмга яқин хайрия ёрдами кўрсатилди.

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 200 минг сўмлик, Шаҳрисабздаги Мурувват уйига дори-дармонлар ҳамда Қамаши туман Сартўнли қишлоғида яшовчи ногиронга даволаниш учун 300 минг сўм, биринчи гуруҳ ногиронига ҳамда вилоят саховат уйига биттадан телевизор ажратилди.

Шунингдек, республика қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати касаба уюшма Марказий қўмитаси Тошкент шаҳридаги 2-Меҳрибонлик уйига, ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Тошкент туманидаги 35-мактабнинг кам таъминланган оилалар фарзандларига ҳамда Тошкент шаҳридаги 57-сонли ақли заиф болалар мактаб-интернатига кийим-бош ва дори-дармонлар топширдилар.

Енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат кўрсатиш корхоналари касаба уюшма Марказий қўмитаси кўп болали, мурувватталаб оилаларга кийим-кечак, дори-дармон ҳадя қилган бўлса, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси эса Тошкент шаҳридаги мактаб-интернатлардан бирига 1 миллион сўмлик кийим-кечак ва тиббий асбоб-ускуналар совға қилди. Бу каби саховат ишларидан бошқа тармоқ касаба уюшма Марказий қўмиталари ҳам четда қолишмаяпти.

А.СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маънавий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Совға

Бир томони Амударё соҳилларига туташиб кетган Охунбобоев номли қишлоқда салкам 6 минг киши истиқомат қилади. Аҳолини асосий қисми деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Лекин шу пайтгача тиббий хизмат кўрсатишда ўзига яраша муаммолар бор эди. Одамлар 12 чақирим йўл босиб хўжалик марказидаги ёки шаҳардаги шифохонага қатнашга мажбур бўлишарди.

ҚВП ИШ БОШЛАДИ

Кейинги йилларда қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, хусусан, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш мақсадида олиб борилган кенг кўламли ишлар натижасида бу муаммо бартараф этилди. Қисқа муддат – 8 ой ичида энг сўнгги лойиҳа асосида замонавий қишлоқ врачлик пункти бунёд қилинди. Қурилиш-монтаж ишларига 64,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

– 50 нафар қурувчимиз зўр ғайрат-шижоат билан ишлашди, – дейди «Фидокор» масъулияти чекланган жамият бошлиғи Жўра Раҳмонов. – Рўзибой Хўжамуродов, Сирожиддин Раҳмонов раҳбарлик қилаётган бригада қурувчилари иш сифатига катта эътибор беришди. Бунда Рустам Собиров, Марина Линчевская, Йўлдош Раҳмонов, Хосият Йўлдошевалар шижоат кўрсатишди.

Қишлоқ врачлик пунктида даволанувчилар учун барча шароитлар яратилган. Хоналар кенг ва ёруғ, қаттиқ ва юмшоқ мебеллар, даволаш ускуналари билан тўлиқ жиҳозланган. Беморлар энди узоққа қатнамасдан бу ерга келиб кундузги стационарда даволанишмоқда.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири

БИР-БИРИГА ҲАМКОР, МАДАДКОР



Қорақалпоғистон жанубидаги ўсимлик мойи ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ёғғар» очиқ турдаги хиссадорлик жамиятимизда ўнга яқин миллат ва элатларнинг фарзандлари бир оила фарзандларидек ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишаяпти. Аҳиллик ва тотувлик қарор топган соғлом маънавий муҳит, одамлар меҳнати қадрланаётганлиги эришилаётган ютуқларнинг асосий омили бўлаяпти.

Рус ўғлони Владимир Баляев умрининг 30 йилини қадрдон корхонасига бағишлади. Меҳнат фаолиятини оддий токарликдан бошлаган ишчилар сулоласининг вакили бугунги кунга келиб, бош механиклик даражасига кўтарилди.

Отаси Фёдор Баляев, онаси Мария Иванова ярим асрдан зиёд ёғ-мой саноати тизимида ишлаб ортларида яхши ном қолдириб, дунёдан ўтиб кетдилар.

Устози Василий Шурихиндан таълим олган Владимирнинг ўзи ҳам ўнлаб ёшларни тарбиялаб вояга етказди, уларга касб-ҳунар ўргатди.

Владимирнинг умр йўлдоши Ираида Ивановна корхонада кўп йиллар ишлаб нафақага чиқди. Ўғли Андрей токарлик дастгоҳини бошқараяпти, қизи Оксана малакали ишчи сифатида тилга тушган.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан Президентимиз Фармонига асосан В.Баляев «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

- Ўзбек халқи ўзининг меҳр-оқибатлилиги, бағрикенглиги, сахийлиги билан ажралиб туради, - дейди Владимир Фёдорович. - Буни мен дил-дилдан ҳис қиламан. Чунки муқаддас ўзбек заминида туғилиб, камол топдим. Маҳаллий халқ тили, миллий қадриятлари, урф-одатларини ўрганиб, улар билан оға-ини, дўст қадрдонлашиб кетдим.

Жамоада ўзбек ва қорақалпоқ халқи билан қалбан тутташган турли миллат вакиллари елкама-елка туриб меҳнат қилишаяпти. Касаба уюшма қўмитаси раиси қорақалпоқ қизи Муҳаббат Жуманова олий маълумотли технолог, ғамхўр раҳбар, ибратли оила бекаси.

Бешинчи разрядли токар Баҳриддин Эримбетов, ёғ оқартириш цехи бошлиғи Гулистон Аметова, электр сими ўровчи Мунаввара Собирова ўзбек, созловчи Павел Чебакеев рус, слесар Бозорбой Ойимбетов, электрик Сотимбой Омонбоев қозоқ... Бу рўйхатни яна ҳам давом эттириш мумкин.

Аҳил ва иноқ жамоамизнинг тили-тилига, дили-дилига яқин. Урф-одатлари, анъаналари бир-бирига уйғунлашган. Қуда-анда, қариндош-уруғ, дўсту ўртоқ, ҳамкору ҳамнафас. Жамоа аъзоларининг иш шароитлари яхши. Цехлар тоза ва озода, сут ва сут маҳсулотлари, махсус кийим-кечаклар билан таъминланган. Фақат ана шу мақсад учун 3 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ўртача ойлик 65-68 минг сўмга тўғри келади. Ҳар бир ишчига овқат пули учун кунда 750 сўмдан қўшимча маблағ берилаяпти.

Ишлаб чиқариш жараёни такомиллашиб, янги технологиялар дадиллик билан қўлланилаяпти. Франциянинг «Стэка SA» компаниясидан 204 минг АҚШ долларига янги ускуналар сотиб олиниб, 1 литрли полиэтилен идишларда ёғ қадоқлаш йўлга қўйилди.

Йил давомида солиштирма нархларда 1 миллиард 350 миллион 677 минг сўмлик ўсимлик мойи ва 2 миллиард 157 миллион 580 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқараётган 263 кишилик жамоамизнинг оладиган соф фойдаси 40 миллион сўмдан ошиб кетди. Рўзғорига қут-барака кирган меҳнат аҳли бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ ишлашга ҳаракат қилмоқда.

Корхонамиз тимсолида қадимдан турли миллат ва элат вакиллари ёнма-ён яшаб келган мамлакатимизда асрлар мобайнида шаклланган эзгу анъаналарни бугун ҳам изчил ва муносиб давом этаётганлигини яққол кўриш мумкин.

Бозорбой ОЙИМБЕТОВ,
слесар

ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ

«Қонун» фирмаси фаолиятининг мезони

Ҳуқуқий-демократик давлат қуришга киришилган илк босқичдаёқ самарқандлик Фахриддин Ражабов республикада биринчилардан бўлиб «Қонун» адвокатлик фирмасини ташкил этди. Ўтган ўқув йили мобайнида жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам бериш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фаолият юритган адвокатлар жамоаси халқнинг ишончини қозонди. Мазкур фирмада ҳозирги пайтда 38 адвокат фаолият кўрсатади.

«Фирма» нодавлат-нотижорат ташкилот бўлиб, қонун тантанасига хизмат қилади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш адвокатлар жамоасининг бош мақсадидир. Фирмада учта бўлим мавжуд бўлиб, улар жиноий, фуқаролик, хўжалик ишлари бўйича ихтисослашган. Ҳуқуқий ҳимоя борасидаги ишларнинг самараси ўлароқ, фаолият кўлами йил сайин кенгайиб бораяпти. Эндиликда фирманинг Самарқанд шаҳрида учта, Ургут, Пастдарғом, Самарқанд туманларида, Қашқадарёнинг Шаҳрисабз, Муборак, Сурхондарёнинг Жарқўрғон туманларида филиаллари мавжуд.

Ҳуқуқий ҳимоялаш, маслаҳат беришдан ташқари фирма мутахассислари мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхоналарга таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, тегишли идораларда рўйхатдан ўтказиш масалаларида ҳам амалий ёрдам беради. Ҳозирги вақтда шерикчилик асосида иш юритиш, корхоналар ташкил этиш, мулкни ижарага олиш ва бериш жараёнлари рўй бермоқда. Бундай ҳолатларни ҳужжатлар билан қонуний расмийлаштириш, шартномаларни тўғри тузиш, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларида тенгликни таъминлаш жуда муҳим. Айниқса, хорижлик ҳамкорлар билан битим тузишда халқаро ҳуқуқ меъёрларини билиш керак. Бунда ҳуқуқшунос мутахассисларнинг ёрдами жуда асқотади. Юқорида айтилган ўзаро муносабатлардаги жуда кўп муаммолар, баҳсли ҳолатлар қонунларни билмаслик, ҳужжатларнинг қонунийлик даражасини олдиндан текширтирмаслик, ҳуқуқ ва мажбуриятларни аниқ ифодаламаслик оқибатида вужудга келади. Тадбиркорлар солиқ ва божхона хизматига оид баҳсли масалалар билан кўпроқ мурожаат қилишади. Шу аснода малакали ҳуқуқий маслаҳат ҳамда ёрдамга эҳтиёж сезилади. Умуман, келгусида ривожланган давлатлардаги каби ҳар бир жисмоний ва юридик шахс ўз адвокатига эга бўлиши керак бўлади.

Адвокатлик фирмаси фаолияти кўпқирралидир. Ёш мутахассислар ҳамда жойлардаги ҳуқуқшунос-маслаҳатчиларнинг малакасини ошириш мақсадида ҳуқуқий таълим тадбирлари, семинар-ўқувлар ташкил этилмоқда. Ҳуқуқий таълимга ихтисослашган ўқув юртларининг адвокатлик йўналишини танлаган талабаларнинг билимини бойитиш, амалиёт кўникмаларини мустаҳкамлаш учун улар билан ҳам машғулотлар ўтказиб турилади. Зарурат туғилганда, фирма ходимларига кечаю кундуз мурожаат қилиш мумкин.

– Мустақил республикамиз жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб, халқаро муносабатлар кенг кўлам касб этаётган даврда адвокатлик фаолияти ҳам ана шу даражада ривожланиши шарт, - дейди фирма директори Фахриддин Ражабов. – Бинобарин, биз ҳам чет эллардаги ҳамкасблар билан яқин ҳамкорлик қиляпмиз. «ABA CEELI» АҚШ юристлар ассоциацияси томонидан тақдим этилган субгрант доирасида Ўзбекистонда биринчи бўлиб Самарқандда адвокатларнинг ўқув-ресурс маркази очилди. Ушбу лойиҳа адвокатларнинг касб малакасини кўтариш, имкониятларини ошириш, манфаатдорлигини яхшилашга қаратилган. Шу мақсадда ташкил этилган кутубхонада республикамизнинг барча қонунлари, уларга шарҳлар, адвокатлар фаолияти ва маданиятига оид кўплаб адабиётлар, бошқа зарурий қўлланмалар мавжуд. Ўқув-ресурс марказида компьютерлар орқали Интернет тизимига уланиш, Ўзбекистон Республикаси қонунларига оид «Норма» ва «Право» ҳуқуқий-ахборот маълумотлар базасидан, МДҲ мамлакатлари қонунчилигига оид «Lex Info Sy» ахборот тизимидан фойдаланиш мумкин. Тренингларда адвокатлар фаолияти, халқаро ҳуқуқ меъёрлари оила ҳуқуқи, маънавий зарарни қоплаш, адвокатлик ишида ахборот технологияларидан фойдаланиш каби масалалар бўйича фикр юритилади. Ўтган қисқа давр ичида 28 марта семинар-тренинглар ўтказилиб, унда 500 га яқин тингловчилар фаол қатнашди. Бундай машғулотларни ўтказишда мунтазамликка эришилган.

Фирма фаолиятининг яна бир йўналиши жамоатчилик ҳимоя маркази орқали амалга оширилади. Ушбу марказ Нидерландия қироллигининг молиявий кўмагида «Евросиё» (АҚШ) жамғармаси тақдим этган грант асосида ишлайди. Мазкур марказ Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларга кўмаклашади, уюштирилган суд ишлари натижаларига кенг оммани эътиборини қаратади, қонунчиликдаги ўзгаришлардан жамоатчиликнинг кўпроқ хабардор қилинишига интилади. Унга қарашли ҳуқуқий маслаҳатлар марказида ишлайдиган адвокатлар аҳолига текин хизмат кўрсатади. Зарурий ҳолларда суд жараёнларида долзарб фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича текин ҳимояни таъминлайди. Суд харажатлари марказ ҳисобидан қопланиши ҳам мумкин.

Фирма томонидан амалга оширилаётган барча тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони ҳамда 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»да белгиланган вазифаларга тўла-тўкис мосдир.

Шундай қилиб, жамият ҳаёти тубдан ўзгараётган, ўзаро шартномавий муносабатлар ўзгача аҳамият касб этаётган даврда ҳар бир киши қонунда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларини билиши, қонунларни ўринли қўлланишни ўрганиши керак. Бунда мутахассис ҳуқуқшуносларнинг ёрдами асқотади. Ҳуқуқий ҳимоя эса инсон турмуши ва фаолиятида ҳамиша аҳамиятли ва кераклидир.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири


ФАРОВОНЛИКНИ ЎЗИМИЗ ТАЪМИНЛАЙМИЗ

Хўжалигимиз унчалик катта эмас. Шунга қарамасдан олдинги йилларда раҳбарият нотўғри йўл тутганлиги оқибатида ишлаб чиқариш суръати сусайиб, ҳажми камайди. Бу эса барча соҳаларга салбий таъсир кўрсатди. Айниқса, ижтимоий соҳада муаммолар пайдо бўла бошлади. Аҳвол бундай давом этиши мумкин эмасди, албатта.

Ўтган йил натижаларидан жиддий хулоса чиқариб, бу йил баҳорданоқ ғайрат билан ишга киришдик. Унумли меҳнатнинг самараси ёмон бўлмади. Жами 85 гектар ғалла, 11 гектар картошка, 54 гектар сабзавот майдонларидан, боғ ва токзорлардан мўл ҳосил йиғиб олинди. Деҳқончиликнинг ўзиданоқ 52 миллион сўм соф фойда олинди. Чорвачиликда ҳам барқарорликка эришилиб, 2,7 миллион сўм соф фойда олинди.

Шунинг натижасида иш ҳақидан, мавжуд қарзлар узилди. Ҳозир хўжалик аъзоларининг ўртача иш ҳақи 20 минг сўмни ташкил этаяпти. Бундан ташқари илғорларга мукофотлар ҳам ажратилмоқда. Молиявий аҳвол яхшиланганлиги туфайли хўжаликда ижтимоий соҳа, хусусан меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш, махсус ҳимоя воситалари билан таъминлаш масалаларини ҳал қилса бўлади. Бир сўз билан айтганда, жамоа шартномаси шартларини тўлиқ бажариш имкониятига эгамиз. Келгуси йилда қишлоқларимизда катта ободончилик, қурилиш ишларини амалга оширишни мўлжаллаяпмиз.

О.ҲАСАНОВ,
Самарқанд туманидаги «Наврўз-Аср» ижара хўжалиги раиси



СЕРЖАНТЛАР АРМИЯМИЗ УСТУНИ

Ҳар йилдагидек бу йил ҳам Президентимизнинг фармонига асосан кузги мажбурий хизмат чақируви жойларда уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Яқинда Самарқанддаги сержантлар тайёрлов мактабида 200 нафар ўзбек ўғлонлари она Ватанимиз, давлатимизга содиқликлари ҳақида қасамёд қабул қилди.

Ўтган бир ой давомида ёш аскарлар юриш-туриш, тик қомат, жанговар қуролдан фойдаланиш, тез кийиниш, қолаверса, аскар таомларига анчагина ўрганиб қолишди.

– Ўтган етти йилда 2400 нафар кичик сержантлар армиямизнинг барча қўшинларига жўнатилди, - дейди сержантлар мактаби бошлиғи, полковник Самад Солиҳов. – Сержант – аскарнинг армиядаги ота-онасидир, чунки у аскар билан доимо бирга, дўсти-сирдоши.

Суратларда: отахон Абдулла Маҳмудов набираси Алишерни табрикламоқда; қасамёд пайти.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар

Дил сатрлари

Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида танитади. Унда юртнинг қиёфаси, халқнинг руҳияти, истак ва мақсадлари жо бўлган. Не бахтки, Бош Қомусимиз бугун турмушимизга тўла сингиб кетди, ҳаётимиз мазмунига айланди. Бир сўз билан айтганда, Конституция умумбашарий ғоялар – тенглик, эркинлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакатимиз ва қўшни юртлар халқлари осойишталиги, тинчлиги каби олижаноб ғояларга хизмат қилмоқда.

ҒУРУР

Конституциямизнинг 2-моддасида «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар жамият, фуқаролар олдида масъулдирлар» каби сўзлар мавжуд. Бу айни кўнгилдаги гаплардир. Қолган иш демак ўзимизга, куч-ғайратимизга боғлиқ.

Хўжалигимиз катта. Сарҳадсиз сахро қўйнида жойлашган. Ҳудудимизни жаннатвор гўша, деб бўлмайди. Негаки, янтоқлару барханларга қараб қувониш қийин. Бироқ биз шу макон фарзандимиз – у жонимиздек азиз. Шунинг учун ҳам тунни кунга улаб ишлаяпмиз, фидойилик кўрсатяпмиз. Ширкат хўжалиги раҳбари одил, ишбилармон ва билимдон киши. Унинг ғайрати ичига сиғмайди. Ана шу омиллар туфайли сўнгги йилларда ҳам иқтисодий, ҳам маънавий юксалдик. Турмуш тарзимиз ҳам яхшиланиб боряпти. Биз чорвадор авлодимиз. Қорақўл қўйларимизнинг таърифига сўз йўқ. Ўзимиз ҳам чорвага меҳр қўйиб кам бўлмаяпмиз. Қўра-қўра, кўтон тўла қўйларимиз бор. Шу боис рўзғоримиз тўкис. Қисқаси, даромаддан буромад деганларидек, дориломон умргузаронлик қиляпмиз. Овулларимиз кун сайин обод бўляпти. Кўркам уйжойлар қуряпмиз.

Мактаблар, боғча, шифохона, кутубхона, дўконлар қизғин фаолият кўрсатмоқда. Ижтимоий ҳимояга катта эътибор қаратяпмиз. Меҳр ва мурувват йилида савоб ишларимиз кам бўлмади. Масалан, ўтган йилнинг якунига кўра ишчи ва пудратчилардан 147 нафар кишига 2 миллион 774 минг сўм мукофот пули бердик. Хотин-қизлар байрами куни 25 нафар аёл муносиб тақдирланди. Наврўз байрамида уруш қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар, ногирон ва якка-ёлғизлардан 25 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида ногирон ва етим болалардан 11 нафари рағбатлантирилди. Аълочи ўқувчилардан 40 нафари совға олди.

Ширкат хўжалиги маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма қўмитасининг ҳамкорликда чиқарган қарорлари асосида бундай савоб ишлар кун сайин ошиб бораётир. Мисол учун, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган 4 нафар талабанинг ўқиши учун 640 минг сўм миқдорида контракт пули кўчирилди. Шунингдек, хўжалик ҳудудидаги 5 та мактабга 1 миллион 530 минг сўмлик кўргазмали қуроллар ва 5 миллион сўмлик парталар олиб берилди. Мазкур мактаблар жорий таъмирига эса 4 миллион 133 минг сўм сарфланди.

Бундан ташқари, кам таъминланган оилалардан бир кишига уй ҳадя қилинди. Уруш қатнашчиси Абдураҳмон Бекмуродовнинг уйи таъмирлаб берилди. Якка-ёлғизлардан Бибихон Есибекова ва Улмекен Кузембаеваларга хўжалик ҳисобидан газ ҳисоблагич ўрнатиб берилди.

Хожагелди АБДУСАДИКОВ,
Конимех туманидаги «Сарибел» наслчилик ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси



УНУТИЛМАС КУН

Пойтахтдаги биринчи болалар мурувват уйида 3 декабрь халқаро ногиронлар куни муносабати билан тарбияланувчилар учун янги спорт мажмуаси очилди.

Мазкур спорт анжомлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги "Болалар спортини ривожлантириш" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳри Кенгаши ва бошқа ҳомийлар томонидан совға қилинди. Ногирон болалар учун яратилган бу имконият уларнинг соғлиғини тиклашга ёрдами тегиши шубҳасиз.

Вилоятлардан хабарлар

МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК ОШМОҚДА

Когон пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланилиб, 486 нафар ишчи-хизматчи учун бир қатор қулайликлар яратилмоқда. Шуниси характерлики, корхонада ишловчиларга икки маҳалдан бепул иссиқ овқат ташкил этилаётганига икки йил бўлди. Ҳар бир ишчи учун махсус иш кийимлари буюртма асосида тикилмоқда.

Зарарли ишда ишловчилар муттасил сут-қатиқ билан таъминланаяпти. Шу билан бирга соғлиқни сақлаш тадбирларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу ерда врач, ҳамшира ва ҳатто тиш шифокори ишлаб турибди. Тиббий шохобча физиотерапия аппаратлари билан таъминланган.

Корхона ўтган хўжалик йилини 42 миллион соф фойда билан якунлади. Олинган даромаднинг асосий қисми ижтимоий ҳимоя ва дивидентга ажратилди. Бу йил эса натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Бу ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги янада ошади, деганидир.

МАҲАЛЛАЛАР ГАЗЛАШТИРИЛДИ

Учқўрғон газ-таъминот шўъба корхонасида қишки мавсумга тайёргарлик ишлари пухта бажарилди. 240 та газ тақсимлагич қурилмаси, юқори ва паст босимли газ қувурлари жиддий текширувдан ўтказилди.

Корхона жорий йилда бир неча километрлик янги газ қувурларини фойдаланишга топширди. 11 километр узунликдаги қувур тортиш ишлари Американинг «Меҳрибонлик» корпуси маблағи ҳисобидан бажарилди. Шунингдек, бюджет ҳисобидан 4 километрлик газ қувурлари тортилди. Хусусан, Учқўрғон шаҳрининг «Ўрдабоғ», «Дўстлик» маҳаллалари газ қувурлари янгиланиши натижасида мавжуд хонадонларда газ етиб бормаслиги муаммоси бартараф этилди.

Корхонада дебиторлик қарзларини камайтириш борасида ҳам намунали ишлар амалга оширилди. Аҳоли хонадонларини газ ўлчагичлар билан таъминлаш йиллик режаси эса муваффақиятли уддаланмоқда.

ЙЎЛСОЗЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Навоий магистрал йўлларидан фойдаланиш бошқармаси касаба уюшма қўмитаси ишловчиларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш тадбирларига катта эътибор қаратмоқда.

Касабақўм ташаббуси билан йўлчилар иш бажараётган ҳар бир манзилда дам олиш, ювиниш хоналари ташкил этилмоқда. Ишловчиларга корхона ҳисобидан арзонлаштирилган иссиқ овқат бериляпти. Ўртача ойлик иш ҳақи 70 минг сўмни ташкил қилаётир. Корхонада пенсияга чиққан 4 нафар фахрий корхонанинг доимий назоратига олинган. Уларнинг ҳар бирига байрамлар муносабати билан 50 минг сўмдан моддий ёрдам ажратиляпти.

Касаба уюшмаси томонидан йил давомида 20 та ариза кўрсатилган талаблар ўз вақтида қаноатлантирилди. Жумладан, касалхонада даволанаётган 3 нафар беморга дори-дармон учун керакли миқдорда пул маблағи кўчириб берилди. 2 нафар ишловчига сиҳатгоҳларга бепул йўлланма ажратилди. Шароити оғир бир нафар ходим қурилиш материаллари билан таъминланди.

С.АЪЗАМОВА,
«Ишонч» мухбири

ТАДБИРКОРЛАР ОИЛАСИ

боғча-яслини оталиққа олди

Мана уч йилдирки, Шовот тумани марказида «Алёнушка» хусусий боғча-яслиси фаолият кўрсатмоқда. Унга белорус аёли Раиса Фёдоровна Махмудова раҳбарлик қилмоқда. «Беларус мотор сервис» ҳиссадорлик жамияти тарбия масканига муассис ҳисобланади. 1999 йилда туманда ташкил қилинган мазкур қўшма корхона автомобиллар учун газ ёқилғисига мўлжалланган ускуна тайёрлаб ва ўрнатиб бериш билан шуғулланмоқда. Вилоятда бунга эҳтиёж ниҳоятда катта. Бу ҳайрли ишнинг ташкилотчиси ва қўшма корхона раҳбари - Раисанинг турмуш ўртоғи Бахтиёр Махмудов. Камгап, сермулоҳаза, тиниқ фикрли бу йигитни Раиса олийгоҳда ўқиб юрган пайтда севиб қолиб, тақдирини у билан боғлаган.

Бахтиёр билан Подольскда олийгоҳда танишганман. Тақдир экан хоразмлик бўлиб қолдим. Муқаддам бу вилоят ҳақида эшитмаган ҳам эдим, - дейди Раиса Фёдоровна.

Ҳозирда уларнинг 3 нафар фарзанди бор. Катта фарзандлари Алишер автомобилсозлик олийгоҳини тамомлаб, туманда хусусий автомобил ҳайдовчилари мактабини очган. Руслан Иқтисодиёт университетини тугатган. Айни пайтда тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Кенжа фарзанд Елена эса педагогика олийгоҳида таълим олмоқда.

Хусусий боғча-ясли қошида тикувчилик, компьютер, кондитер маҳсулотлари тайёрлаш, савдосотиқни ўрганувчи бепул ўқув курслари ташкил қилинган. Ишсизликни тугатиш бўйича юртимизда фаолият олиб бораётган халқаро «Евраазия» фонди «Алёнушка» учун грант ажратган. Грант асосида тарбия маскани ўз компьютерларига эга бўлди.

Бундан ташқари, жорий йилдан бошлаб бу ерда инглиз тилини ўрганиш курси фаолият юритяпти. Курсга 15 нафар тингловчи жалб қилинган. Американинг Тинчлик корпуси томонидан Шовот туман халқ таълими бўлимига ишга юборилган инглиз педагоглари Стефани Вольдман ва Эндрюлар курс тингловчиларига инглиз тилидан сабоқ бермоқдалар.

Боғча-яслидаги ишларни яхшилаш мақсадида тадбиркор аёл фермер хўжалигини ҳам ташкил қилган. Бу йил 22 гектар ернинг 6 гектарига сабзавот ва полиз маҳсулотлари экди. 16 гектар пахта майдонидан 49 тонна ҳосил етиштирди. Жорий йилдан бошлаб чорвачилик ҳам йўлга қўйилди. Тез кунларда боғча-ясли тарбияланувчилари учун сут маҳсулотлари ҳам шу ерда тайёрланади. Хусусий боғча-яслига иқтисодий жиҳатдан «Шоҳобод» савдо акционерлик жамияти яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Эркин ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Сўз касаба уюшма етакчиларига

Бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшмаларининг энг асосий вазифаларидан бири меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишдир. Айни пайтда Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси мазкур вазифани ўзининг энг устувор вазифаларидан бири деб билмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан ўтган йилларни «Соғлом авлод йили», «Она ва бола йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Обод маҳалла йили» ва ниҳоят жорий йилни «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши бизга ҳам катта масъулият юклади. Ўз фаолиятимизда асосий эътиборни кам таъминланган оилалар меҳнат фахрийлари байналмилалчи жангчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратдик. Айни пайтда шаҳар касаба уюшмалари тармоқ қўмитасида 233 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз атрофига 48 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган.

ТАШАББУС БОР ЖОЙДА

Яқинда тармоқ касаба уюшмалари Тошкент шаҳар қўмитасининг ҳисобот сайлов конференцияси бўлиб ўтади. Шу боисдан мен ҳисобот даври мобайнида амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Тўғри, ҳозирги давр ишга ижобий ёндошишни ҳамда ташаббускорликни талаб қилмоқда. Биз ҳам ўз фаолиятимизда мана шунга амал қилишга ҳаракат қилаяпмиз. Масалан, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси томонидан ягона тартибда молиявий фаолият юритиш мақсадида барча бошланғич касаба уюшма ташкилотларига тушадиган аъзолик бадалларини бир ҳисоб рақамига жамлаяпмиз. Натижада касаба уюшма фаолларини рағбатлантириш ва турли тадбирларни ўтказиш учун қулайлик яратилди. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасининг махсус фондидан ойлик иш ҳақининг бир фоизидан кам бўлмаган миқдорда маблағ ажратилиши йўлга қўйилди. Шунингдек, солиқ идоралари маъмурияти ҳисобидан 2500 ходимнинг барчаси ҳисобот даврида икки мартадан тиббий кўрикдан ўтказилди. Ходимларнинг тиббий муассасаларда даволаниши билан боғлиқ харажатларнинг 75 фоизини маъмурият ўз зиммасига олган. Бундан ташқари солиқ идоралари ходимларининг дам олишларини яхшилаш мақсадида «Оқтош» дам олиш масканида 90 ўринли «Ғазалкент» соғломлаштириш маркази, Мирзо Улуғбек туманида эса «Солиқчи - Спорт - Маърифат» мажмуаси ишга туширилди.

Шуниси қувонарлики, тизимимизда оммалаштирса бўладиган иш тажрибаларини қўллаётган касаба уюшма ташкилотлари анчагина. Булар сирасига Тошкент шаҳар Халқ банки тизимига кирувчи Мирзо Улуғбек, Сирғали, Миробод ҳамда Чилонзор бўлимларини киритиш мумкин. Мазкур жамоаларда меҳнат муҳофазаси, муҳтож оилаларга моддий ва маънавий ёрдам бериш, тармоқ меҳнаткашларининг фарзандларини соғломлаштириш ва оммавий спортни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Мунтазам равишда мини футбол ва шахмат мусобақалари ўтказилиши йўлга қўйилган.

Мана шундай илиқ фикрларни «Ўзсаноатқурилишбанки» касаба уюшма ташкилоти ҳақида ҳам билдирса бўлади. Мазкур жамоада ҳам ҳомийлик фаолияти яхши анъанага айланиб келмоқда. Уларни Орол минтақасида яшовчи оила фарзандларини «Оқтош» болалар соғломлаштириш оромгоҳида бепул дам олишларини ташкиллаштириб келаётганликларини шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозим.

Худди шундай тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан ҳам амалга оширияпти. Ушбу банк маъмурияти томонидан яқинда спорт мажмуаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу ерда кўпчилик ишдан кейин спортнинг баскетбол, волейбол, мини футбол, теннис, гольф машғулотлари билан шуғулланишмоқда. Шу ернинг ўзида оилавий дам олиш учун болалар ўйин майдончаси, кичик ҳайвонот боғи ҳам ташкил этилган.

Меҳнат муҳофазаси масалалари ҳам бизнинг доимий диққат марказимизда. Шу масала бўйича ўтказилган мониторинг натижаларига кўра «Ўзулгуржисавдо» акционерлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг «Дипхоражжизмат» бошқармаси «Ўзбек - Турк» банки каби жамоаларда меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги тадбирлари, меҳнаткашлар учун дам олиш хоналарини жиҳозлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Тармоқ касаба уюшма қўмитаси кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ноғиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш миллий Маркази касаба уюшма қўмитасига 50 минг сўм, «Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компанияси бирлашган касаба уюшма қўмитасига 200 минг сўм, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институти касаба уюшма қўмитасига 50 минг сўм миқдорида - жами 350 минг сўм маблағ ажратди. Кам таъминланган оилаларга дам олиш масканлари учун 10 та бепул йўлланма тарқатилди.

Хулоса қилиб айтганда, мен юқорида амалга оширилган ишларнинг бир қисмини айтиб ўтдим, холос. Лекин ҳали касаба уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирларини сифат жиҳатдан ошириш борасида амалга оширадиган ишларимиз талайгина. Биз бундан кейинги фаолиятимизда юқоридаги тадбирларни ҳам сифат жиҳатдан, ҳам сон жиҳатдан яхшилашга ҳаракат қиламиз.

Х. БАХТИЁРОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар қўмитаси раиси

ЖИЗЗАХДА АВТОКРОСС

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ташаббуси билан Жиззах шаҳрида автокросс бўйича мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди.

О.Куликов, У.Аффоров, Ш.Жумаев ва О.Собиров шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

«БЕРУНИЙТЕКС» - ИСТИҚБОЛЛИ КОРХОНА

Қорақалпоғистонда «Берунийтекс» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси иш бошлади.

Оролбўйининг иқтисодий салоҳияти юксалиб бораётган туманларидан бири - Берунийда қурилиш, саноат, транспорт соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Туманда икки пахта тозалаш, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш, механика-таъмирлаш, темир-бетон буюмлари заводлари, ип-йигирув фабрикаси, «Ликоротс» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси каби саноат мажмуалари ишлаб турибди.

Энди улар сафига «Берунийтекс» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ҳам қўшилди. У «Райҳон» ҳиссадорлик жамияти негизида ташкил этилди.

Қўшма корхонанинг очилишида сўзга чиққан «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси раисининг ўринбосари Р.Рўзиқулов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Б.Муртозаев, «Техпроект Индустриангаген ГмбХ» компанияси вице президенти Р.Ирмшер ва бошқалар «Берунийтекс»нинг ишга тушиши Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат эканлигини таъкидлади.

Германиянинг «Унитехна» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхона лойиҳасининг умумий қиймати 8 миллион евро. Корхонага Германиянинг «Техспроект Индустриангаген ГмбХ» компанияси мутахассислари замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатди.

Йилига 4 минг 200 тонна ип-калава, 1 миллион пагонометр хом сурп ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу мажмуа маҳсулотлари асосан экспорт қилинади. Йилига 6 миллион 600 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот сотиш кўзда тутилмоқда.

Қўшма корхона ишга тушгач, юзга яқин қўшимча иш ўрни очилди. Танлов асосида қабул қилинган ишчилар германиялик мутахассислар ёрдамида малака оширди.

Ибрат

Атроф дов-дарахтлар билан ўралган кўшкаватли иморат эътиборимизни тортади. Тоза ва озода кийинган отахону онахонлар, кувноқ йигит-кизларнинг кайфиятини кўриб, шифо масканида ишлар жойида эканлигига ишонч хосил киласиз.

МАФТУНКОР ГЎША

К.Убайдуллаев номли Қорақалпоғистон Республикаси муаллимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти қошидаги санаторий-профилакторий ҳақиқий дам олиш ва даволаш масканига айланган. Мазкур ҳордиқ масканида ҳар йили 350-400 нафар таълим ходимлари даволаниб, соғлигини тиклайди.

Оролбўйи соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган Жуғини Идиятов бош ҳакимлик қилаётган кичик жамоанинг катта ишлари элга манзур бўлаяпти. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган профилакторийда дам олувчилар учун барча қулайликлар яратилган. Тўрт нафар умумий амалиёт шифокори ва тажрибали ҳамширалар ҳамиша хизматга шай. Уларнинг ширин муомаласи ва пухта муолажалари беморлар кайфиятини кўтариб, соғайиб кетишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Тошкент Давлат медицина институтини битирган тажрибали кардиолог, олий тоифали шифокор Жуғини Идиятов 34 йилдан бери эл саломатлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиб, минглаб беморларни дарддан фориғ этди. Дам олувчилар ультратовуш, электр ванна, парафин, озокерит, уқалаш, УЗИ, нина санчиб даволаш каби 13-14 хил муолажа турларидан фойдаланадилар. 3 маҳал иссиқ-овқат ва витаминли мева-чевалар берилади.

Ошпазлар Ойдин Саитмуротова ва Жумагул Ибрагимовалар тайёрлаган парҳезли миллий таомлар ўзининг сифатлилиги ва мазалилиги билан ажралиб туради. Биринчи тоифали ички касалликлар ҳакими Ойгул Тўраева, акушер-гинеколог Роза Аминова, тиш доктори Ўнгарбой Гулимов, физиотерапия хонаси ҳамшираси Ойзода Качубаева, уқаловчи Гулистон Қурбонбоева, парафин қўювчи Гулойим Исмоиловалар намунали тиббий хизмат кўрсатиб, одамлар эътиборини қозонишган.

«Меҳр ва мурувват йили» дастурига мувофиқ халқ таълими тизимида кўп йиллар ишлаган юздан ортиқ фахрийлар имтиёзли даволаниб чиқдилар. «Таклиф ва мулоҳазалар» дафтарини варақлар экансиз, қўли енгил шифокорлар дардига малҳам бўлган Мўйноқ туманидан Жумамурод Саидбеков, Қўнғиротдан Қаллибек Айтмуродов, тахтакўпирлик Имомат Сакешев, Нукус шаҳридан Ойша Ўразимбетова, Кегайлидан Сафариёз Нуримбетов, Шуманайдан Қизларгул Томинбетованинг миннатдорчилик сўзларини ўқийсиз.

– Шифокорлик касбини улуғлаган киши асло кам бўлмайди, – дейди бош шифокор мамнуният билан. – Беморлар дардига шифо топиб, эл-юртга нафимиз тегаётганлиги кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшади.

Кўп йиллик меҳнат фаолиятида Жуғини оға ўнлаб шогирдларни тарбиялаб, етиштирдики, айни пайтда улар беморлар соғлигини сақлаш йўлида астойдил жон куйдиришяпти. Айни чоғда у республиканинг тиббиёт муассасаларида самарали ишлаб келаётган Обид Қурбонов, Ҳусниддин Ўразбоев каби малакали шифокорлар билан ҳақли равишда фахрланади.

ЁЛҚИН

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ

OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ОЛИЙ БАХТ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Фидокор халқимизни, барча касаба уюшма аъзоларини Бош Қомус — Ўзбекистон Конституциясининг 12 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади.

ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ



Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 41-модда






СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Конституцияси 40-модда.




ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ




Шу табаррук заминда яшаётган, фидойи меҳнати билан азиз Ватанимизни улуғлаётган инсонлар асло кам бўлмасин!




«ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ ХОЛДИНГ» ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ




Эзгу ишларингиз ҳамиша бароридан келсин, омад, бахту саодат доимо ёр бўлсин!








«АСАКА ЁҒ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ



Барча юртдошларимизни, тармоқларнинг ходимларини Ўзбекистон Конституциясининг 12 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади

«НАМАНГАН ЭКСТРАКТ ЁҒ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ


Инсон манфаатлари энг устун қадрият



Ўзбекистон Конституцияси - ҳаётимизнинг асосий Қонуни

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»

Барча юртдошларимизни Ўзбекистон Конституциясининг 12 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Сизларга йиллик 32 фоиздан 38 фоизгача даромад келтирадиган «Фаровонлик», «Саховат», «Болалар келажагимиз» ҳамда «Эгасининг номи кўрсатилмаган» омонат турларини таклиф этади!



«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Мирзачўл тумани вилоятнинг энг чекка чўл ҳудудида жойлашган. Бу ерда 47 мингдан зиёд турли миллат ва элат вакиллари кўлни-кўлга бериб баҳамжиҳат яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Туманда 6 та маданият саройи, 1 та марказий кутубхона, 13 та кутубхона шохобчалари фаолият кўрсатяпти. Кутубхоналар 92 минг 438 та китоб фондига эга. 2003-2004 йилларда 500 минг сўмлик бадиий, ижтимоий-назарий китоблар сотиб олинди.

МАДАНИЯТ САРОЙИ ҚОШИДА СПОРТ МАЖМУАСИ

Абай номли, Тошкент, «Янги дала», «Пахтазор», «Туркистон» агрохизмат марказлари ҳамда Гагарин шаҳридаги «Чўлқувар» маданият саройлари кейинги пайтда одамлар билан гавжумлаша бошлади. Уларда катта ҳажмда таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилди. Биргина «Чўлқувар» маданият саройида олиб борилган капитал таъмирлаш ишларининг кўлами кенг бўлди. Маданият саройи қошида спорт мажмуаси ташкил этилди. Кураш, каратэ, волейбол, баскетбол, теннис, аэробика каби ўнга яқин секциялар ишлаб турибди. Ушбу масканни таъмирлаш ва жиҳозлашда 2 миллион сўм маблағ сарфланди. Спорт секцияларига 300 нафар бола жалб этилган.

Маданият саройи қошида, шунингдек, 5 та тўгарак фаолият кўрсатмоқда. 150 нафар киши санъатнинг рақс, ашула, соз чалиш, миллий чолғу асбобларини созлаш ва таъмирлаш, миллий либослар дизайни каби турлари билан шуғулланмоқда. «Алёр» фольклор жамоаси вилоят ва республика кўрик-танловларида фаол иштирок этиб, ғолиб бўлди.

«Пахта», «Қозоқ» этнографик фольклор ансамбллари ҳамда қозоқ миллий эстрадаси жамоаларининг эришаётган ютуқлари ҳам таҳсинга лойиқ. «Боғзор» хўжалигидаги маданият саройи қошида қозоқ миллий драма театри мана уч йилдирки, фаолият кўрсатиб турибди. «Янги дала» хўжалигидаги маданият саройида «Пахта» ансамбли мавжуд. Шунингдек, доирачилар ва ашулачилар тўгараклари ташкил этилган. Уларда 50 киши шуғулланмоқда.

– Мавжуд маданият саройларини таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан ва ҳомийлар ёрдами билан 6 миллион сўм маблағ ажратилди, – дейди туман ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Маҳмуджон Юсупов. – Бу маблағнинг бир қисмини маданият саройларини таъмирлашга, жиҳозлашга сарфлаяпмиз. Мусиқа асбоблари, кийим-кечаклар сотиб олишни ҳам мўлжаллаб турибмиз.

Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири

Суратларда: «Қозоқ» этнографик фольклор ансамбли қатнашчилари; каратэ тўгараги иштирокчиларидан бир гуруҳи





Тарих саҳифаларини варақлаганда

Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари тарихининг ёркин саҳифаларидан бирини соҳибқирон Амир Темурнинг турли мамлакатлар, жумладан, Европа давлатлари билан олиб борган элчилик муносабатлари тарихи ташкил қилади.

СОҲИБҚИРОН БИЛАН УЧРАШУВ

Маълумки, XV аср бошларида Амир Темур давлатининг сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан салоҳияти кучайиб, Ғарбий Европа давлатлари ҳукмдорлари наздида ҳам катта обрў-эътиборга эга бўлди ва бир қатор давлатлар Амир Темур давлати билан дипломатик, ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ўрнатиш мақсадида ўз элчиларини унинг ҳузурига юбордилар. Ана шундай давлатлардан бири Испания эди.

Руи Гонсалес де Клавихонинг «Кундалиги»да қайд этилишича, Испания (Кастилия ва Леон қироли Генрих III) элчилари Пайо де Сото Майор ва Эрнан Санчес де Паласуэлос Кичик Осиёга сафар қилиб, уларга ўша даврнинг энг қудратли давлатлари - Амир Темур давлати ва Усмонли Турк султонлиги ҳақида аниқ маълумотлар олиб келиш топширилган эди. Тақдир тақозоси билан элчилар Амир Темур ва султон Боязид лашкарлари ўртасида 1402 йил Анқара остонасида юз берган катта жангни ўз кўзлари билан кўришга муваффақ бўлдилар. Амир Темур мазкур жангда зафар қозонгач, Испания элчилари ўша ерда эканлигидан хабар топади ва уларни яхши қабул қилади, иззат-икром кўрсатиб, қайтишга рухсат этар экан, ўз номидан Магомат Аль-Каги (Муҳаммад ал-Ҳожи) исмли кишини мактуб ва совға-салом билан Испания қироли ҳузурига элчи қилиб юборади.

Бунга жавобан Кастилия ва Леон қироли Генрих III де Трастамара (1390 - 1407) ҳам катта хайрихоҳлик билан Амир Темур ҳузурига ўз элчилари - диншунослик магистри Фра Альфонса Пағом де Санта Мария, Руи Гонсалес де Клавихо ва Гомес де Салласарларни мактуб ва ҳадялар билан жўнатади.

Ушбу элчиликда бевосита қатнашган Руи Гонсалес де Клавихо ўз саёҳати ҳақида батафсил кундалик ёзиб борган ва у фанда «Самарқандга, Амир Темур саройига саёҳат кундалиги» номи билан танилган. Клавихо «Кундалиги» тарихда нафақат Кастилия қироллиги билан Амир Темур давлати дипломатик муносабатлари тарихи, балки Мовароуннаҳрнинг ўша даврдаги табиати, хўжалик ривожи, шаҳарлар юксалиши ва ҳунармандчилик, халқаро савдо-сотиқ алоқаларидаги муҳим ўрни, айниқса Соҳибқироннинг мисли сиз бунёдкорлик фаолияти кабилар тўғрисида аниқ маълумотлар қайд этилган.

Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарида ёзишича, Амир Темур узоқ сафар - етти йиллик юришдан қайтиб ёз чилласини Самарқанд шаҳри атрофида бевосита ўзининг кўрсатмаси асосида барпо этилган боғларда бир-бир ҳордиқ чиқариб, Боғи Дилкушода турган чоғида, Европанинг ғарбий чеккасида жойлашган узоқ Кастилия (Испания)дан элчилар етиб келганлар. Элчиларнинг Соҳибқирон ҳузурига келиши ва тантанали қабул маросими ҳақида фақат Клавихо «Кундалиги»да батафсил маълумот берилган. У жумладан шундай ёзади:

«Душанба, саккизинчи сентябрда (элчилар) боғдаги кўшкдан отланиб Самарқант (Самарқанд)га йўл олдилар. Ул боғдан шаҳаргача боғлар, ҳовлилар, бозорлар жойлашган текислик ястанган эди. (Элчилар) уч соат чамаси йўл юриб шаҳар атрофидаги сеньор (дарвозадан) киришлари билан ҳар бирига ёғоч тахтиравон ўрнатилган ва иккитадан байроқча қадалган олтита филни кўрдилар. Филлар (усти)да одамлар (филбонлар) миниб олиб, халойиққа томоша кўрсатдилар. Элчилар юришда давом этдилар ва уларнинг тортиқларини олган ва тахлаб, кўлларига кўтариб кетаётган кишиларни кўрдилар. Сўнгра элчиларга ўз тортиқлари ёнида кутиб туришни буюрдилар, бир оздан сўнг яна ўша икки кавалер кузатувида юришда давом этдилар. Темурбек Кастилия қироли ҳузурига юборган элчи ҳам улар билан бирга борарди; у кастилчасига кийиниб олгани учун ҳамма унинг устидан куларди.

Элчиларни супада ўтирган бир кавалер қария қошига элтдилар; бу Темурбекнинг опа-сингилларидан бирининг ўғли эди. Элчилар унга таъзим қилдилар; сўнгра уларни супада ўтирган кичкина ўғил бола (шаҳзода)ларнинг олдига бошлаб бордилар; булар подшоҳнинг невералари эди ва элчилар уларга ҳам таъзим қилдилар. Бу ерда (элчилардан уларнинг) қироли Темурбекка йўллаган мактубни сўраб олдилар. Мактубни (юқорида таъкидланган) болалардан бири, айтишларича, бу сеньорнинг тўнғич Мирасса Минахи (Мироншоҳ)нинг ўғли экан. Мазкур учала бола дарҳол туриб мактубни сеньорга элтдилар. Сўнгра элчиларга (олдинга) юришни буюрдилар. Сеньор ўша ердаги ҳашаматли хонага кирадиган эшик олдида, баланд супада ўтирарди; олдида баланд отилиб турган фаввора жойлашган бўлиб, унда қизил олмалар қалқиб турарди.

Сеньор (Темурбек) каштали кичик ипак кўрпачада, тирсагини болишга қўйиб ўтирарди. У силлиқ бир хил рангдаги ипак кўйлак, бошига эса ёқут, марварид ва бошқа қимматбаҳо тошлар қадалган баланд оқ қалпоқ кийган эди.

Элчилар уни кўришлари билан ўнг тиззаларида тиз чўкиб, қўлларини кўксиларига қўйиб таъзим қилдилар; сўнгра яқинроқ келиб яна таъзим қилиб тиз чўккanча турдилар. Сеньор уларга турмоққа ва яқинроқ келишга рухсат этди. Уларни бошлаб келган мирассалар орқада қолдилар ва яқинроқ келишга ботина олмадилар; сеньор олдида турган учта мирасса, яъни унинг энг яқин одамлари, аниқроғи, бири - Хамелак Мирасса (Шоҳмалик), иккинчиси - Борундо Мирасса, учинчиси - Норадин (Шайх Нуриддин) элчиларни сеньор қошига бошлаб бориб, тиз чўктирдилар. Сеньор уларни яхшироқ кўриб олиш учун янада яқинроқ келишга буюрди.

Сўнгра у (сеньор) уларга шундай савол билан мурожаат қилди: «Сеньор (Кастилия) қироли, яъни менинг ўғлимнинг аҳволи қалай, ишлари, саломатлиги яхшими?». Элчилар жавоб қилдилар ва ташрифларининг мақсадини баён этдилар; у элчиларнинг сўзларини диққат билан эшитди. Уларнинг сўзлари тугагач, Темурбек (ҳузурида йиғилганларга) супа пойида ўтирган кавалерларга - айтишларича, улардан бири Тарталия ҳукмдори сеньор Тотамих (Тўхтамиш)нинг ўғли, иккинчиси - самарқандлик ҳукмдорлар авлодидан, қолганлари эса, сеньорнинг ўз қариндошуруғлари эди, - қараб деди: «Мана бу элчиларга қаранглар, уларни менинг ўғлим, яъни Испания қироли юборган. У дунёнинг чеккасида яшовчи фаранглар подшоҳлари ичида (машҳурликда) биринчи ўринда туради. Улар ҳақиқатда буюк халқ ва менинг ўғлим, яъни (Испания) қиролига ўз хайрихоҳлигимни изҳор қилурман. У сизларни совға-саломсиз, фақат мактуб йўллаб юборса ҳам бўларди, зеро унинг соғ-саломатлиги ва ишлари ҳақида билганимнинг ўзи ҳар қандай совғадан афзалдир».

Сеньор қирол йўллаган мактубни сеньор (Темурбек)нинг невараси унинг олдида баланд кўтариб турарди; илоҳиёт магистри тилмочга қараб, мазкур мактубни, аниқроғи сеньорга (Темурбекка), унинг ўғли... қирол юборган мактубни беришни сўради ва мактубни ундан бошқа бирор кимса ўқиши мумкин эмаслигини, қачонки жаноби олийлари (хат мазмунини) эшитмоқчи бўлса, ўқиб беришини маълум қилди. Сеньор мактубни неварасининг қўлидан олди ва уни очиб, ҳозироқ (мазмунини) билмоқчи эканлигини айтди. Магистр (ўқишга) тайёрлигини изҳор қилди. (Темурбек) кейинроқ, бир вақти бўлиб қолганда, ўшанда унга одам жўнатишини ва мактубни ўқишини ҳамда (Кастилия қиролига) қандай истак билдиришни айтажагини маълум қилди.

Сўнгра уларни турғизиб, сеньорнинг ўнг томонидаги супага ўтқазиб қўйдилар».

Кастилия элчилари 1404 йил 4 сентябрда Самарқандга етиб келиб, то 21 ноябргача, жами 2 ой 18 кун шу ерда бўлганлар. Амир Темур бошқа боғларда ҳам зиёфатлар бериб ва Конигил ўлангида катта тўй ўтказиб, уларнинг барчасига элчиларни чорлаган ҳамда уларга муносиб иззат-икром кўрсатган.

Орадан 600 йил ўтди. Бугун Ўзбекистон ва Испания ўртасидаги дўстлик алоқалари янги босқичга кўтарилди. Бу шубҳасиз, истиқлол шарофатидандир.

Омонулло БЎРИЕВ

Шифобахш ўсимликлар

Наботот олами ер кобиғида муҳим рол ўйнайди. Ўсимликлар гўзаллик, нафосат намунаси. Қолаверса, саноат учун муҳим хомашё, хўжалик ва курилиш воситаси. Хуллас, уларнинг хосиятини санаб адоғига етиш мушкул. Ўсимликларнинг ажойиб хислатларидан яна бири шифобахшлигидир. Зеро, неча минг йиллар давомида доривор ўсимликлардан тайёрланган гиёҳлар одамлар дардига даво бўлиб келган.

СТЕВИЯ – ТАБИАТ МЎЪЖИЗАСИ

Стевия ана шундай шифобахш ўсимликлар сирасига киради. У кўп йиллик, мураккабгулдошлар оиласига мансуб. Поялари ҳар йили кўзакда қуриб, кейинги йили эса яна кўкариб, ўсади. Бўйи эса 60 сантиметрдан 100 сантиметргача етади. Бу ўсимлик хусусиятларини биринчи бўлиб италиялик биолог олим М.Бертони таърифлаб берган. Асл ватани Жанубий Америка бўлиб, маданий ўсимлик сифатида илк бор Парагвай ва унга қўшни мамлакатларда етиштирила бошланган. Кейинчалик Япония, Хитой, АҚШ, Россия каби ривожланган мамлакатларда ҳам ундан доривор гиёҳ сифатида кенг фойдаланилган.

Стевиянинг шифобахшлиги тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, унинг мураккаб кимёвий таркиби кўплаб касалликларга даво бўлишига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Жумладан, стевия қандли диабет, кариес, ўта семизлик, юрак, жигар, буйрак касалликлари кабиларни даволашда самарали восита ҳисобланади. У Хитойда иштаҳани меъёрга келтирувчи, овқат ҳазм қилишга кўмаклашувчи, вазнни меъёрда ушлаб турувчи восита сифатида ишлатилади. Чунки табиатнинг ажойиб мўъжизаси бўлмиш бу ўсимлик ўзида деярли калория сақламайди. Шу сабабли ўзининг ўта семизлигидан шикоят қилган беморлар уни истеъмол қилганда, иштаҳани пасайтириб, ёғли ва қанд миқдори кўп бўлган озиқ-овқатларга мойилликни камайтиради. Бундан ташқари, иккинчи даражали ошқозон-ичак хасталикларидан тез фориғ бўлишга кўмаклашади, алкоголли ичимликлар ҳамда тамакига бўлган эҳтиёжни сусайтиради.

Стевия ва ундан олинадиган доривор гиёҳларнинг яна бир ноёб хусусияти шуки, улар организмда модда алмашинуви жараёнини маълум бир меъёрга келтиради. Натижада бузилган патологик жараёнлар ўз изига тушади ва организм аста-секин бирламчи ҳолатига келади. Энг муҳими, қон томирларида ҳосил бўладиган тромб (тўсиқ)ларни йўқотишга имкон яратади, заҳарли нурлар, радиация таъсирини камайтиради. Тўқима жароҳатларининг тикланишини тезлаштиради.

Стевия барглари ҳам ўзига хос ноёб хусусиятларга эга. Олимларнинг фикрича, ўсимлик баргидан тайёрланган чой организмнинг иммун тизимига ғоятда ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу чойни доимий равишда истеъмол қилиш 2-3 ҳафтадан сўнг ўз самарасини беради. Хусусан, соч тўкилиши ва оқаришининг олдини олишда, юздаги сўгаллар, доғ ва ҳуснбузарларни кетказишда, турли тери касалликлари, жароҳатлар, яраларнинг битишида унинг шифобахшлиги катта рол ўйнайди. Бундан ташқари, жигар циррози ва холицистит ревматизм, лорингит, артериал босимнинг ортиб ёки пасайиб кетиши, остеохондроз, ишемик юрак хасталиклари ҳамда турли травматологик касалликларга яхши даводир. Шу билан бирга стевия чойи ички қулоқ ҳамда ўпка яллиғланишлари, астма, умуртқа погонаси хасталиклари, жинсий бекувватлик ва простатит, гангрена, оёқлардаги турли тери касалликларини даволашда катта фойда бериши исботланган.

Стевия гиёҳлари бактериялар ва бошқа инфекцион микроорганизмларнинг кўпайишига йўл қўймайди. Шу боис у шамоллашлар, грипп ва бошқа нафас йўли касалликлари эпидемияси вақтида энг самарали профилактик восита бўлиб хизмат қилади.

Ўсимлик баргларининг шифобахшлик хусусияти қанддан 300 марта ширин, лекин ўз таркибида калорияларни сақламайдиган дитерпен глюкозидлар билан белгиланади. Шу жиҳатдан турли минтақаларда ўсадиган стевия барглари бир-биридан фарқ қилади. Бунга турли экологик омиллар, масалан, тупроқ сифати, суғориш услублари, қуёшли кунлар сони кабилар таъсир қилади. Бошқача қилиб айтганда, стевия навлари ниҳоятда кўп, улар таркибидаги шифобахш моддалар миқдори ҳам ҳар хил. Мисол учун, Хитойда етиштириладиган стевиянинг шифобахшлик даражаси унчалик юқори эмас. Негаки, унинг барглари таркибида бор-йўғи 5-6 фоиз стевиозид ва рибаудиозидлар сақланади. Парагвайда етиштириладиганларида эса бу кўрсаткич 9-13 фоизни ташкил қилади.

Юқорида стевиянинг қандли диабет касаллигини даволашдаги хусусияти ҳақида тўхталган эдик. Хўш, унинг бу касалликни даволашдаги роли қандай? Бразилиялик тиббиётчиларнинг гувоҳлик беришича, қандли диабет билан касалланган беморлар стевиянинг суюқ экстрактини истеъмол қилганларидан сўнг орадан 6-8 соат вақт ўтгач, организмдаги қанд миқдори 30-35 фоизгача меъёрлашар экан.

Хуллас, она табиат мўъжизаси – стевия ўсимлиги доривор гиёҳлар орасида ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Келгусида бу ажойиб гиёҳнинг даволашдаги янги-янги қирралари кашф этилса, ажаб эмас. Зеро, у табиатнинг инсонларга беминнат эҳсони, туҳфасидир.

Н.АСҚАРХЎЖАЕВ, биология фанлари номзоди

Соғлом авлод – келажагимиз

«МЕҲРИБОНЛИК УЙИ»ДА ФАН ТЎГАРАКЛАРИ

Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туман марказидаги 1-«Меҳрибонлик уйи» ўтган асрнинг 20 йилларида ташкил этилган. Ўтган йиллар давомида бу ерда юзлаб ўғил-қизлар таълим-тарбия олиб, мустақил ҳаётга йўлланма олдилар.

«Меҳрибонлик уйи»нинг меҳрибон тарбиячилари 240 нафардан ортиқ меҳрга ташна болаларга ўз жигаргўшаларидек муносабатда бўлиб келишмоқда. Жисмоний ва маънавий етуклик гарови бўлган спорт ишлари замон талаблари даражасида олиб борилмоқда. Шунинг учун ҳам кўплаб чемпионлар етишиб чиқмоқда. Шу билан бирга тикувчилик, гулчилик, рассомчилик сингари фан тўгараклари тарбияланувчиларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтишида қўл келмоқда.

Суратда: рассомчилик тўгараги қатнашчиси Илҳом Қудинов. У ёшлар ўртасида ҳар йили ўтказиб келинаётган республика танловида совринли ўринларни эгаллаб келяпти.

Б.ЭРНАФАСОВ, «Ишонч» мухбири

Бугуннинг мавзуси

ЎҚИТУВЧИ МЕҲНАТИНИ ҚАДРЛАБ

Республикамизда таълим тизими тубдан ўзгариб, ривожланиб боряпти. Бунда хукуматимизнинг бир қатор карорлари муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Вазирлар Махкамасининг «Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида»ги карори ўқитувчилар манфаатдорлигини ошириш борасида муҳим ҳужжатдир.

Қарорда кўрсатилганидек ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги услубига ўтиш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборилган. Ўқитувчиларни рағбатлантириш учун касб маҳоратига кўра 25 фоизгача, тарбиявий ишлар ва синфдан ташқари фаолияти учун 15 фоизгача устама қўшиб берилади. Бунда ўқитувчиларнинг ихтисоси, синф раҳбарлиги ҳисобга олинмайди. Қайси ўқитувчига устама ҳақ тўлашни ҳар бир мактабда тузилган махсус комиссия белгилайди. Унинг таркибига директор, мониторинг бўйича масъул ходим, педагогик кенгаш тавсия қилган ўқитувчилар, касаба уюшмаси ва ота-оналар қўмиталаридан вакиллар киради. Бундай комиссия ўқитувчининг дарс ўтишига ҳам, синфдан ташқари ишларига ҳам холисона баҳо бериши мумкин. Яъни жамоатчилик ўқитувчининг билим даражасини, тарбиячилик салоҳиятини, ўқувчилари эришаётган натижаларни яхши билади. Зеро, элдан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Натижада соғлом рақобат вужудга келади, деб ўйлаймиз.

Лекин устама ҳақ ҳамма ўқитувчига ҳам бирдай тайинланавермайди. У ўз фани ва касбининг фидойиси сифатида бошқаларга ибрат бўлиши, янги педагогик технологияларни қўлланиши, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини мунтасил ошириш керак. Жонкуяр ўқитувчи касб маҳорати ва тарбиявий ишлари учун бир вақтда рағбатлантирилиши мумкин. Бундай ҳолда ҳисобкитоблар кўрсатдики, ўқитувчи 110 минг сўм атрофида маош олади. Бу ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатдир. Ўқитувчи бунга эришиш учун доимий изланиши керак.

Устама ҳақ белгиланганидан кейин 6 ой ўтиб қайта мониторинг ўтказилади. Агар кўрсаткичларда пасайиш аниқланса устама ҳақ миқдори камайтирилади ёки бекор қилинади.

Лекин бунда яна бир жиҳатни инобатга олиш керак. Биз ўқувчи билимининг қандайлигига ўқитувчи сабабчи деб ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, бунда ота-оналарнинг таъсири ҳам катта. Ҳар икки томон боланинг ўзлаштириш ва тарбияси билан жиддий шуғулланса, яхши натижаларга эришиш мумкин. Ўзаро талабчанлик ва масъулият ҳукуматимиз қарорида кўзда тутилган мақсадга етишга имкон беради.

М.БОБОЁРОВ, Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи



Каратэ

БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАР КЎРИГИ

Каратэ - миллионларнинг севимли спорт турига айланган. Осиё чемпионлари Отабек Косимов, София Каспулатова ва Илҳом Каримов, Рустам Ғофуржоновларнинг номи кўпчиликка яхши таниш. Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси каратэни оммалаштириш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Мамлакат чемпионатлари ва кубок мусобақалари мунтазам ўтказиб келиняпти.

Пойтахтимиздаги «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуида каратэ бўйича илк бора Марказий Осиё чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё мамлакатларидан ташриф буюрган 1200 дан зиёд спортчилар ғолиблик учун татамига чиқдилар. Жамоа баҳсларида 54 жамоа вакиллари куч синашди. Баҳслар кумитэ ва ката йўналишида ўтказилди.

-Чемпионатни ташкил этишдан асосий мақсад Марказий Осиёнинг энг кучли каратэчиларини кўрикдан ўтказиш, кучли рақобатда ёшларимизнинг маҳоратини ошириш эди,- дейди Ўзбекистон миллий каратэ федерацияси президенти Нурхон Нафасов. - Зеро бу чемпионат ҳам жойларда янги -янги каратэ тўгараклари очилишига хизмат қилади, деб ўйлайман.

Мусобақалар қизғин кураш остида ўтди. Хусусан, қозоғистонлик каратэчилар якка-лик ва жамоавий баҳсларда муносиб иштирок этди. 50 килограмгача вазн тоифасида финалга чиққан Тараз шаҳрилик Рауан Тагузбаев «Аҳмадшоҳ» клуби вакили Жавлон Исроиловни енгиб Осиё чемпиони бўлди. Яна бир финал баҳси пойтахтнинг «Ёш куч» клуби вакили Олимжон Маҳкамов ва қозоғистонлик Роман Сирбу ўртасида кечди. Авваліга рақибига имкониятни бериб қўйган Олимжон якунда ўз иродасини намойиш этиб, чиройли ғалабага эришди.

-Оқтау шаҳридан 12 нафар спортчи билан иштирок этдик. Натижа қониқарли бўлди. 3 та олтин ва 3 та бронза медалларни қўлга киритдик- дейди қозоғистонлик мураббий Александр Гаплевский. -Мусобақа юқори савияда ташкиллаштирилганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Фурсатдан фойдаланиб, чемпионат ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Шундай қилиб, Марказий Осиё очиқ чемпионати янги номларни кашф этди. Ўз вазн тоифасида Д. Турғунов, С.Абдувоҳидов, Ҳ.Камилов, Ж. Маҳмудов, У.Шоймардонов,Б. Юнусов, А.Абдуллаев, Д. Муродиллаев, Н.Ҳўжаев, А.Утегенов, Ш. Омонов, Э. Жонбоев, Х. Бакиров, Б. Алиев, И. Ҳайдаров, Б. Бўроновлар Марказий Осиё чемпиони бўлдилар. Энг асосийси каратэ туфайли спорт тинчлик элчиси, деган ибора яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ишонч» мухбири

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 23.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 116 1 2 3 4 5